



9 МАЙ—

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

№9-10
(1520)
2025-ЙИЛ
6-МАЙ

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOIIY –SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълим ташкилотларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Турдош йўналишдаги олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб йириклаштириш ҳамда тиббий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этиш ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб белгилансин.

II. Тиббиёт олий таълим муассасаларини қайта ташкил этиш

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий

таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

(а) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти негизда Тошкент давлат тиббиёт университети (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш;

(б) Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-текшириш лабораторияси негизда Тиббиёт илмий-инновацион тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш;

(в) Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалини Урганч давлат тиббиёт институти этиб қайта ташкил этиш;

(г) Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасини Тошкент давлат тиббиёт университети клиникалари (кейинги ўринларда — Университет клиникалари) этиб қайта номлаш;

(д) Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз ва Чирчиқ филиалларини Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз ва Чирчиқ филиаллари этиб қайта номлаш;

(е) Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ва Тошкент давлат стоматология институти академик лицейини Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-, 2- ва 3-сон академик лицейлари этиб қайта номлаш.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

(а) тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(б) таълим дастурларини халқаро тиббий таълим стандартларига мувофиқлаштириб, компетенцияларга асосланган тиббий таълим дастурларини жорий этиш;

(в) ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиникалар ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

Давоми 2–бетда⇒

ЎЗБЕКИСТОНДА II ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ФАХРИЙЛАР СОНИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ



ЎЗБЕКИСТОН II
ЖАҲОН УРУШИ
ДАВРИДА 1 МИЛЛИОН
951 МИНГДАН Ортиқ
КИШИНИ ФРОНТГА
ЖЎНАТГАН.

Мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, Ўзбекистон II жаҳон уруши даврида (1939-1945 йиллар) 6,5 миллион аҳолига эга бўлган ва 1 миллион 951 мингдан ортиқ кишини фронтга жўнатган. Улардан 538

минг нафари фронтда ҳалок бўлган.

Уруш даврида Ўзбекистон муҳим фронторти марказига айланган. Бу ерда 280 та янги корхона барпо этилган, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, республика 1,5 миллиондан ортиқ эвакуация қилинганларни, жумладан, 250 минг етим болани бағрига олган. Қайд қилинишича, бугунги кунда Ўзбекистонда II жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар 82 нафарни ташкил қилади. Уларнинг энг улуғи 114 ёшни қаршилаган.

Аввалроқ, Президент Шавкат Мирзиёев II жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармонни имзолади. Унга кўра, уруш қатнашчиларига 10 минг доллардан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 млн сўмдан бир марталик пул мукофоти берилади.

Ў.А.

«Расмий хабар

ТАЙИНЛОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 апрелдаги қарорига асосан, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Шухрат Абдужалилович БОЙМУРАДОВ** Тошкент давлат тиббиёт университети ректори лавозимига тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1 – бетда

(г) фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

(д) илмий салоҳиятни мунтазам равишда ошириб бориш;

(е) Университет ва унинг тизимига кирувчи таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Белгилансинки:

а) Университет:

(i) тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;

(ii) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб магистратурада босқичма-босқич хорижий тил(лар)да ўқитиладиган алоҳида гуруҳлар ташкил этади;

(iii) тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқув жараёнларини ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатади;

(iv) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(v) Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

(vi) Соғлиқни сақлаш вазирлигига идоровий жиҳатдан бўйсунди. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Университет битирувчиларининг малака талабларини ишлаб чиқиш, Университет моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда талабаларга амалиёт базаларида зарур шарт-шароит яратишда кадрлар буюртмаси сифатида қўмаклашади;

(б) ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари Университет талабалари учун клиник амалиёт базалари этиб белгиланади;

(в) Университетга талабаларни ўқишга қабул қилиш 2025/2026 ўқув йилидан бошланади. Бунда Университетга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида белгиланади;

(г) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

(д) Университет кенгашига Университет ҳузурида тиббиёт ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий

кенгаш тузиш ва унинг таркибини тасдиқлаш ҳамда мазкур илмий кенгашга талабгорларни илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади.

5. Университет клиникалари юридик мақомини сақлаб қолган ҳолда маъмурий ва ташкилий-бошқарув жиҳатдан Университет ректорига бўйсунди. Бунда:

(а) Университет клиникаларини амалдаги молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

(б) Университет кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан унинг клиникалари ва клиник базалари таъмирланиши ҳамда янги тиббий ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланиши мумкин.

6. Қуйидагилар:

(а) Тошкент давлат тиббиёт университети кузатув кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

(б) 2025 — 2027 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ;

(в) Тошкент давлат тиббиёт университетида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган объектлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин..

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Университетнинг Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй манзилида жойлашган худудда замонавий ўқув биноси, ахборот-ресурс маркази, виварий, экспериментал лаборатория, замонавий медиамарказ, нашриёт ҳамда IT марказни ўз ичига олган 5 000 ўринли ўқув биносини қуриш, замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда:

(а) ушбу ўқув биносини қуриш ва жиҳозлаш учун жалб қилинган кредитларнинг 75 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан;

(б) 25 фоизи — Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

8. Университет кузатув кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хорижий консультант жалб қилган ҳолда 2025 йил якунига қадар Университет тизимидаги барча ташкилотларга марказлашган тартибда молия-бухгалтерия хизмати, моддий-техника таъминоти хизмати, бино ва иншоотлардан фойдаланиш хизматини кўрсатувчи ягона марказ ташкил этсин.

9. Университет тузилмасида ҳомийлик хайриялари ҳисобидан тўлдириладиган Тошкент давлат тиббиёт университети ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин. Бунда белгилансинки:

(а) Университетга тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларнинг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

(б) ушбу банднинг «а» кичик бандида

кўрсатилган маблағлар Университет кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ таълим жараёнини яхшилаш, моддий-техник базани ривожлантириш учун ишлатилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа офиси билан биргаликда:

(а) 2025 йил 1 сентябрга қадар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида шартнома тузиш орқали Университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилиш чорасини кўрсин;

(б) Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида уч ой муддатда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида Трансформация офисини ташкил этсин.

11. Трансформация офиси қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

(а) Университетни 2030 йилга қадар халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

(б) 2025 — 2028 йилларда хорижий олий таълим ташкилотларида камида 120 нафар етакчи профессор-ўқитувчининг стажировкасини ташкил этиш;

(в) Университетда умумтаълим фанларини қисқартириш ҳисобидан мутахассислик фанлари ва амалий машғулотлар улушини ошириш орқали амалий билим ва қўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

(г) талабаларнинг барча ёзма иш ва диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизминини жорий этиш;

(д) Университетда ўқув ва иш жараёнларини (ҳужжат айланмаси, ахборот-кутубхона ресурси, талаба ва ходимлар маълумотлари) тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, талабаларнинг ўзлаштириши, дарс жадвали, маъруза материаллари ва бошқалар акс эттирилган талабаларнинг «шахсий кабинетини» юритиш.

12. Университетга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин. Бунда:

(а) Университетга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-60-сон ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-61-сон қарорларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади;

(б) Университетга хорижий ўқув ва илмий адабиётларни ҳамда уларни таржима қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини харид қилишда, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда ишлашда ҳамда хори-

жий мутахассислар учун уй-жой ижарасини расмийлаштиришда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади;

(в) янги авлод тиббий таълим адабиётлари ва ўқув ресурсларини яратиш, харид қилиш, таржима қилиш ва нашр этиш харажатлари Давлат бюджети ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти ҳамда уларнинг клиникалари штатлар сонини мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни белгиланган тартибда иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўрсин.

14. Белгилансинки:

(а) Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотлари грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) Университет фаолиятини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

III. Қарор ижросини ташкил
этиш ва назорат қилиш

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) бир ой муддатда Урганч давлат тиббиёт институти фаолиятини ташкил этишга оид қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 апрель,
ПҚ-149-сон

■Хотира уйғонса гўзал

Тиббиётнинг ҳақиқий жонкуярларидан бири, тиббиётда ўзига хос мактаб яратиб кетган фидойи инсон. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Беруний давлат мукофотининг совриндори Исҳоқ Қурбонovich Мусабоевдир.

У 1910 йилнинг 22 октябрида Фарғона вилоятида таваллуд топган. Касалликдан азият чеккан ва унинг кўз олдидан жон берган ота-онаси ҳамда синглисидан жудо бўлган мурғак қалб келажакда шифокор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қалби ўксик, ўқишга ташна бўлган олимнинг ёшлиги етимхонада ўтади. Интернат директори болажан, кўнгли тоза инсон экан, у Исҳоқжонни ўз фарзандидек кутиб олади. У интернатни аъло баҳоларга тугатгандан сўнг, 6 нафар иқтидорли талабалар қаторида Самарқанд тиббиёт техникумида, сўнг, Фарғона тиббиёт билим юртларида ўқиб, Самарқанд тиббиёт институтига кириш учун йўлланма олади. У институтда ўқиб юрган кезларидаёқ, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини сифатида фаолият олиб борди. Институтни битиргач, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасида бўлими бошлиғи лавозимида ишлайди ҳамда 1935-1938 йилда безгак, бруцеллёз, ич терлама касалликлар аҳоли орасида кенг тарқалганлиги сабабли у “Ич терлама (қорин тифи) касаллигининг давосида қон қуйишнинг аҳамияти” мавзусида илмий иш бошлади ва уни тугатмай, 1941-42 уруш йилларида жанговор шифокор сифатида хизматини адо

нинг мудир сифатида иш олиб борди ва 1951 йилда Москвада “Ич терлама касаллигида жигарнинг фаолияти” мавзусида докторлик диссертацияси-

ТИББИЁТДА ИБРАТЛИ
МАКТАБ ЯРАТГАН
ИНСОН

”

Академик Исҳоқ Мусабоевнинг ён дафтарчасидан:

“Ҳаётнинг бутун синовлари ва чигиригидан ўтдим. Етимлик, мусофирлик, қимматчилик, қаҳадчилик аламларининг, жудолик дардларини бошимдан кечирдим, ҳаётнинг барча таъқиқ ва таъзийқларни танамда синаб кўрдим. Қалбимнинг тубини, ундаги хотира аталмиш УМР ДАФТАРИнинг зарварақларини очиб қарасам, армонлар, армонлар ва яна армонларга кўзим тушади”...

этди. Урушдан қайтгач, Собик Тошкент тиббиёт институтини номзодлик ҳимоясини қилди. Сўнгра Термиз шаҳрига юқумли касалликлар профилактикасини олиб бориш учун жўнатилди. Фидойи инсон 1944-1949 йилларида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедрасида доцент, 1951 йилгача шу кафедра-

ни муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим Исҳоқ Мусабоевнинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида ёзар эканман, домла билан суҳбатда бўлган чоғимда улар қуйидаги фикрларни баён этган эдилар.

—Мен раҳматлик онамнинг ўлим олди ҳолатини ҳеч қачон кўз олдидан кетказа олмайман, - дейди домла аллақандай бир ички дард билан. Унинг баданида тошмалар тошиб кетган, алангаю-оташ бўлиб ёнар, ич оғригидан қаттиқ қийналаётган эди, мен учун энг азиз инсон-волидамнинг айнан мана шу хасталиқдан бевақт ҳаётдан кўз юмганига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг давосини топишга бел боғладим.

Исҳоқ Мусабоев 1952 йили Ўзбекистонда эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтини очинишга эришганидан кейин узок йиллар бу қутлуғ даргоҳда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди. 1963 йили Исҳоқ Мусабоевни эпидемиолог, микробиолог ва юқумли касалликлар бўйича илмий жамият раиси этиб сайладилар. Шу сабабли мазкур фанлар бўйича малакасини оширишга келган шифокорларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, шу йўналишдаги кафедранинг бошқарди. 1964 йили Вен-

грияда микробиологларнинг халқаро анжуманида қатнашади ва маъруза қилди. Муҳокамада кўп мунозара бўлди, кўплаб касалликларни ядрохимикатлар билан заҳарланиш деб баҳолашди. Шу йили Исҳоқ Мусабоев Фанлар академиясининг йўлланмасига кўра, Африка қитъасига юбориладиган вакилларга раҳбарлик қилиб, бу мамлакатда тарқалган эпидемия ва пандемияларни бартараф этишдан жонбозлик кўрсатди.

Олим ҳаётининг бир лавҳани эслади:

- Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг Гурлан туманида тарқалган, юзлаб одмаларнинг жонига зомин бўлган Эл-тор вабоси тўғрисида сўзлаб бериш мен учун ниҳоятда оғирдир. 1965



мурдаларни синчиклаб текшириб чиқдик ва бир фикрга келдик, лекин вабо микробиологик ташхис қилинмаган. Яна йиғилдик, раислик қилувчи Ҳукумат вакили М. Мусахонов сўзни менга берди. Маълумотларимни мажлис аҳлига тақдим қила туриб, сўзимнинг охирида: “Клиник, дифференциал киёс ва эпидемиологик нуқтаи назаридан қаралганда гарчанд ҳали лаборатория йўли билан тасдиқланмаган бўлса-да, бу вабонинг айнан ўзидир” дедим., “бўлиши мумкин эмас”, деган гаплар бўлди. Эпидемияга қарши йўриқнома ишлаб чиқиш комиссияси раиси этиб мен тайинландим, комиссияга аъзо қилиб А. Зоҳидов, И. Шифрин, А. Петрова, Б. Маъзумовлар киритилди. Тез фурсатда Қорақалпоғистон ва Хоразмда фавқулудда ҳолат эълон қилиниб, карантинга олинди, икки уч соат ичида шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида йўриқномалар ишлаб чиқилди. Орадан бир кун ўтмасдан мен вабо вибрионларини микроскоп орқали топиб, ташхисни ойдинлаштириб бердим. Шу тариқа юзлаб фуқароларимизнинг ҳаётига таҳдид солган эпидемиянинг олди олинди. Олимнинг бу изланишлари раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолигига сайладилар, шунингдек, мамлакатимизнинг бир неча юксак мукофотлари ҳам сазовор бўлди. Исҳоқ Мусабоевнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги меҳнатлари инobatга олиниб, унинг номи Англиядаги Халқаро интеллектларнинг “Ким аслида ким?” китобига киритилди. Устознинг илмий салоҳият йўлидаги мактаби юртимиз ва хорижлик мутахассислар томонидан эътироф этилди. У ўзининг сермахсул ҳаёти мобайнида 600 га яқин илмий мақолалар, 33 та монография, шифокорлар учун 5 та қўлланма ва 90 та илмий мақолалар тўплами яратган. Унинг бевосита раҳбарлигида 90 нафар фан номзоди ва 20 нафар олим эса, фан доктори даражасига етишди. Унинг барча шогирдлари олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтларида фаолият юритиб халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Улуғ замондошимиз Исҳоқ Қурбонovichнинг яратган илмий-тиббий мактаби, шунингдек, соҳада қилган ихтиро ва кашфиётлари, бой мероси нафақат республикамизнинг, балки жаҳон тиббиёти фани тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшганлигини эътироф этиш жоиздир. Зеро, олим ҳаёти ва фаолиятининг серкирралиги, ибратли умр йўли тўғрисида кўплаб мақолалар, ўнлаб рисоалар битилган ва кинофильмлар яратилган.

Алижон ЗОҲИДОВ

Хотира уйғонса гўзал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббийёт фанлари доктори, профессор, жонкуяр, истеъдодли олим, юқори малакали педагог Насриддин Мирахмедович Шоматов 1915 йил 22 сентябрда Тошкент вилояти Пискент туманида туғилди.

У 1933 йилда собик Тошкент тиббийёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, 1938 йилда институтни муваффақиятли тугатди. Ёш кадр илк фаолиятини “Ёнғокзор” номи билан юритиладиган болалар суяк сили касалхонасида бошлади. 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилди ва 1941 йилда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, у дастлаб Белоруссия ҳарбий округидаги тиббий санитария батальонида оддий шифокор, сўнгра Мурманскда шифокор-хирург, фин ва поляклар уруши пайтида катта хирург бўлиб ишлади. Шунингдек, у 1942 йилнинг май ойигача 981 махсус ўқчи дивизиясининг тиббий санитария қисмида шифокор, 1943 йилнинг июнь ойигача 295 ва 64 гвардия ўқчи дивизия тиббий санитария қисмида етакчи хирург, кейинчалик эса урушнинг охиригача иккинчи армия хирургия госпиталининг бош хирург вазифасида ишлади ва 1946 йилнинг март ойида армия сафидан қайтди. Насриддин Шоматов урушдан сўнг ҳозирги Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббийёт марказига ишга қабул қилинди. Орадан 2 йил ўтиб, шу клиникада катта навбатчи шифокор лавозимида фаолият юрита бошлади. Ўша пайтларда институт клиникасининг асосий вазифаси урушдан шикастланиб келганларни саломатлигини тиклаш ва операция амалиётини бажаришдан иборат эди. Шу даврда республикада травматология ва ортопедия ривожига катта ҳисса қўшган атоқли профессор ва фан номзодлари Б. Берлинер, Ю. Сорокминлар ёш шифокорларга устозлик қилишар эди. Тажрибали мутахассиснинг меҳнатларини инобатга олган раҳбарият уни 1948 йилда ҳозирги Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббийёт марказига директор этиб тайинлашди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, ташкилотчилиги ва иқтидори билан марказ фаолиятида янада ёрқинроқ намоён бўла бошлади. 1951 йилда кўп йиллик тадқиқот ва материалларини умумлаштириб, болдир суяклариди олиб борилган операцияга доир номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ёш олимдаги юксак талантни сезга марказ раҳбарлари 1951 йилда Насриддин Шоматовни институт клиника раҳбари лавозимига

тайинладилар. Насриддин Мирахмедович катта истеъдод эгаси, ажойиб ташкилотчи бўлган. Ўша пайтларда марказ клиникасини замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш, диагностика ва даволаш услубларини амалиётга жорий этиш, республикада энг орқада қолаётган соҳа – ортопедия ни ташкил этиш,

рилди. Унинг жонкуярлиги туфайли 400 дан зиёд ўринга эга бўлган 20 дан ортик махсус ортопедия бўлимлари, сколиоз касаллигини ўз вақтида даволаш учун Республика бўйича 12 та мактаб-интернатлар ташкил этилди. Шу сабабли ҳам Насриддин Шоматовни Ўзбекистонда ортопедия соҳасига асос солган заҳматкаш олим, дейиш тўғри бўлади. Насриддин Мирахмедович фан йўлида машаққатли, лекин шарафли ишни кенг қўламда бошлаб юборди. У тиним билмай экспериментлар ўтказар, илмий асарларни мутолаа қилар, изланар эди. Ниҳоят, тинимсиз меҳнатлари, илмий ва амалий кузатувлари ўз самарасини бера бошлади. 1959 йилда Насриддин Шоматов клиник ва экспериментал ку-



ОРТОПЕДИЯ СОҲАСИГА АСОС СОЛГАН

ОЛИМ



шаҳар ва вилоятлар учун юзлаб кадрлар тайёрлаш, шаҳар ва вилоят марказларида ихтисослаштирилган махсус травматология ҳамда ортопедия бўлимларини ташкил этиш, улар ишини ривожлантириш, малакали кадрлар, техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур эди. Бу ишларни амалга оширишда Насриддин Мирахмедовичнинг фидойи меҳнатини эътироф этиш зарур. Унинг жонкуярлиги туфайли болалар ўртасида ортопедик касалликларни замонавий усул билан аниқлаш, даволаш, махсус бўлимлар ташкил қилиш, ортопед шифокорларни тайёрлаш ишларига катта эътибор бе-

затувларни умумлаштириб, Москвадаги травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институтининг илмий Кенгашига докторлик диссертациясини тақдим этди. “Эксперимент ва клиникада баъзи биологик стимуляторларнинг суякни битишига таъсири” мавзусидаги докторлик диссертациясини собик Иттифок Тиббийёт академиясининг академиги М. Волков ва бошқалар юқори баҳоладилар. Насриддин Мирахмедовичнинг иттифокдаги кўпгина атоқли олимлар билан илмий мулоқотда бўлиши ўзбек диёрида ўнлаб ёш олимларни тайёрлашга имкон берди. Тажрибали олим 32 дан ортик докторлик ва

кандидатлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Насриддин Шоматов ўз касбининг билимдони, камтарин инсон, ўзининг кўп йиллик иш фаолиятида минглаб беморларнинг дардига малҳам бўлди, фанда катта мерос қолдирди. Унинг травматология ва ортопедиянинг турли долзарб муаммоларига бағишланган 200 дан ортик илмий ишлари чоп этилди. Шулардан 5 монография, 10 дан ортик методик қўлланма, 12 дан ортик ихтирочилик таклифлари, 10 га яқин илмий оммабоп рисоалари бор. Профессор Насриддин Мирахмедович 1960 йилдан 1975 йилгача травматология ва ортопедия кафедрасининг мудир бўлиб ишлаган даврида республика учун мингдан ортик кадрлар тайёрлади. Насриддин Шоматов ҳозирги Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббийёт марказида 20 йилга яқин (1948-1953 ва 1960-1980) йилларда директорлик лавозимида фаолият олиб борди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош травматолог-ортопеди, илмий Кенгаш раиси, травматолог-ортопедлар Республика илмий Кенгаш раиси, ҳозирги Тиббийёт ходимлари малакасини ривожлантириш марказида кафедра мудир 1976 йилдан 1985 йилгача клиника мудир, умрининг охириги йилларида илмий-консультант лавозимида ишлаш билан бирга фаол ташкилотчилик ишларини олиб борди. Собик иттифок давридаги ягона – “Ортопедия, травматология и протезирование” журналининг таҳририяти ҳамда травматолог-ортопедлар Бутуниттифок ташкилоти бошқаруви аъзолари эди. Насриддин Шоматов тиббийёт соҳасида ўзига хос мактаб яратиб, халқимиз саломатлигини муҳофазалашда муносиб ҳисса қўшди.

Унинг ёрқин хотираси ҳамкасблари ҳамда шогирдлари қалбида абдий сақланиб қолади.

Эркин ТУРСУНОВ.

Дунёда илк бор юрак уришдан тўхтамасдан кўчириб ўтказилди

ТАЙВАН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ШИФОХОНАСИ (NTUH) ЖАРРОҲЛАРИ ТАРИХДА ИЛК БОР ДОНОР ЮРАГИНИ УРИШДАН ТЎХТАТМАСДАН КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ.

Ваҳоланки, анъанавий юрак трансплантацияси совуқда сақлаш усулига таянади. Бунда аъзога кон оқими тўхтайди, шу сабабли ҳатто бир неча соат кислородсиз қолган юрак мушакларига зарар етиши мумкин. Бундай ҳолатдаги

амалиётда организм юракни рад этиши хавфи мавжуд. (<https://daryo.uz/k/leQSGl2h>) Шунингдек, операциядан кейинги асоратлар ҳам кузатилиши эҳтимоли бор.

NTUH жарроҳлари бунинг олдини олиш учун органларни

парвариш қилишнинг махсус тизимини ишлаб чиққан. У кислород билан тўйинган қонни донор юрагига танаффуссиз етказиб беради. Ушбу тизим юракни танадан ташқаридаги насослар, оксигенаторлар ва резервуарлардан фойдаланган ҳолда ишла-

тишни таъминлайди.

“Юрак олинатишдан олдин ҳам, олингандан кейин ҳам уришда давом этди ва ҳеч қачон тўхтамади”, деб таъкидлади NTUH орган трансплантацияси жамоаси раҳбари Чен Их-Шуринг.

«Хотира уйғонса гўзал

1943 йилнинг 18 феввали. Тошкент тиббиёт институти-нинг 1 курс талабасига ҳарбий комиссариатдан махсус хат келди. Ўшанда Комилжон Зуфаров 16 ёшда эди. Тошкент тиббиёт институти ходими Тошкентлик йигитга зимдан синчиклаб қарагач, «урушга юборамиз.. тайёرمىсан йигит», деди.



Кўнгли йигитлар-ни вокзалга махсус машинада олиб боришди. Уйдагиларни огоҳлантириб қўйишга ҳам улгурмаган йигитлар бирин-кетин эшолонларга жойлаштирилди. Комилжоннинг бўғзига бир нарсга тикилди. Овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаётган эди. Наҳотки, ҳеч ким кузатгани келмаса, ахир урушга кетяпман. Отам ва онамнинг дуосини ололмайман? Шу пайт одамлар орасидан истараси иссиқ, меҳрли чехрага кўзлари тушди.

Отам...

КОМИЛЖОН ЗУФАРОВ...

У 30 мингдан зиёд соғлиқни сақлаш ходимлари сафида 4 йил мардонавор курашди, жасорат кўрсатди. Кавказ орти ўрмонлари, Украина, Молдова жанггоҳларида душман билан юзма-юз келди. Унинг шогирдлари ҳали-ҳануз унинг фронтда кечган йиллари хотираларини бир-бирларига сўзлаб беришдан завқ олади. Тиббиёт илмининг билимдони, морфологлар мактаби асосчиси сифатида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга узок йиллар хизматлари сингган устоз шифокорнинг узокни кўзлаб олиб борган пухта ва тадбирли режалар тузишдаги маҳоратидан сабоқ чиқарадилар. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилжон Зуфаров ҳаётлик чоғида 9 май байрамига алоҳида тайёргарлик кўрар, имкон қадар сафдош, қуролдош дўстларини зиёратига боришни, ўтганларни хотирлаб, улар кўрсатган жасорат, ватан ҳимояси йўлидаги садоқат тўғрисида ёшларга сўзлаб беришни яхши кўрарди. Руминияда кечган жанглар пайти немислар орқага чекиниб борарди. Улардан қолиб кетган қурол яроғлар йўлларда қисмларга ажраб сочилиб ётарди. Уруш пайти эмасми, ҳатто оддий бир тигли аслаҳа ҳам душмандан ҳимояланиш учун аско-тадиган давр эди. Комилжоннинг мактабда олган билимлари шу ерда фойда берди. Тўрт тарафга сочилиб ётган ўқ отар қуролларнинг турли қисмларини

Уруш улғайтирган ЙИГИТ...

сафдош дўстлари ёрдамида бир ерга жамлаб янги қурол ясашди. 1944 йили ҳарбий аэродромда бўлган жанглар пайти худди шу қўлбола қурол яроғлар қўшин ҳимоясига керак бўлди. Комилжон Зуфаровнинг ихтирочилиқ қобилияти маҳсули бўлган янги ўқ отар қуроллари билан бир неча немис самолётларига зарба берилди.

УНИНГ УРУШ ХОТИРАЛАРИ

«Жангда 3 маротаба қаттиқ ярадор бўлиб, дарднинг қақшатқич азобини бошимдан кечирганимда, тиббиёт соҳасини танлаб адашмаганимни ҳис этдим. Ҳар сафар урушга кирганимда бир «ўлиб, бир тирилдим». Тириклигимни ҳис этишим билан, мен одамларга хизмат қилишим керак, дея ўз олдимга мақсадлар кўярдим. Руминияда оёғимдан ўқ еб, этигим қонга тўлиб кетди. Бир сафар юзим қаттиқ қуйиб, таниб бўлмас даражага келиб қолди. Жоним қаттиқ экан, яшаб кетдим... ҳатто фронтдош дўстларим менга «қўйлақда туғилган» деган, ном қўйиб олдилар. Жоним қаттиқ экан, яшадим, ўт ичидан ёнмай чиқдим... Урушдан 3-гуруҳ ногирони бўлиб уйга қайтдим... Уруш менга сабр билан курашни, дадил қадам ташлаб, ортга қайтмаслик, меҳрли қалб, шафқатли нигоҳ билан дўстга елка тутишни, ночорга

далда бериб, ўрнидан турғазиб қўйишдек олижанобликни ўргатди. Бирдамлик ва ҳамжихатликдан сабоқ берди. Мен урушдан олган ҳаёт илмимни тиббиёт ривожига йўлида сарфлай олганимдан таскин топиб яшадим...»

РЕЖАЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРГАН ОЛИМ

Ҳалигача тиббиёт илми ривожига муносиб ҳисса қўшган ўз соҳасининг таникли олимлари орасида бир яхши гап юради: «Агар профессор Абдумалик Ғуломов Тошкент тиббиёт институтига маданият генини олиб кирган бўлса, Комилжон Зуфаров илмий ёшартириш ва интизом генини олиб кирди». Унинг узокни кўзлаб, тадбирли режа ва ижодкорлик қайфияти билан бошлаган ишлари сабаб, 1966 йили янги 4 қаватли морфологик бўлим қуриб битказилди. Гистология, анатомия сингари 8 та ўқув зали ташкил этилди. Қабул имтиҳонларининг иши анча енгиллаштирилди. Ҳамма қаватлар, ҳатто ертўлаларга ҳам тиббий жиҳозлар олиб келинди. 1970 йил. Ўша даврда электрон микроскоплар нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёга эндигина олиб келиниб, амалиётга татбиқ этилган дастлабки йиллар эди. Тиббиётдаги гастроэнтерологик муаммоларини бартараф

этишда электрон микроскопик ва биохимик тадқиқотларга талаб кучайиб борарди. Бу борада академик Комилжон Зуфаров лабораториясида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар жаҳон андозалари даражасида эканлиги тан олинаётган эди. Худди шу даврда инсоннинг мураккаб аъзоларидан ҳисобланган буйрак ва меъда ости беши хужайраларининг хужайра ичи жараёнларини чуқур тадқиқ қилишга талаб кучайган эди. Ёш олимлар олдида экспериментал диабетда электрон микроскопик цитохимия ва радиоавтография методларини йўлга қўйиш ва уларни такомиллаштириш амалиётини ҳаётга татбиқ этиш режаси турарди. Мазкур илмий ишланма хорижий мамлакатлар тадқиқотчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётган эди. Комилжон Зуфаров яратган «Морфологлар мактаби» эндиликда қўшни давлатлар учун ҳам етук мутахассислар етказиб бера бошлади. Шулардан бири тиббиёт фанлари доктори профессор Бахтиёр Ҳидоятлов эди.

Комилжон Зуфаровнинг олимлик ва одамлиқ хислатлари ҳақида Бахтиёр Ҳидоятлов шундай дейди:

«Ўша даврда Тошкент шаҳри морфологларнинг маркази сифатида тан олинди. Мен устозим Комилжон Зуфаров топшириғи билан морфологларнинг Халқаро Конгресси ва съездларида қатнашиб, минтақавий илмий анжуманларни ташкил этишда фаоллик кўрсатган бахтли шогирдман. Сира ёдимдан чиқмайди, Тошкентга хориждан илк маротаба микроскоплар олиб келиниб, ҳазм ва сийдик аъзолари бўйича биринчи электромикроскопик атлас чоп этилганида, москвалик етук мутахассислар ҳайратларини яширолмагандилар. Тошкентдаги тиббиёт шаҳарчаси, Тошкент тиббиёт институтининг административ ва морфологик корпуслари дунё тан олган олим, теран тафаккур соҳиби Ўзбек морфологлар мактабининг асосчиси, Комилжон Зуфаровнинг муборак номи билан боғлиқ».

**Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси
матбуот котиби.**

«Хотира уйғонса гўзал

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, Россия табиий Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўрта Осиё Миллий Академиясининг академиги, травматология, ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси профессори марҳум **Шаҳоб Шамсиевич Ҳамраев** ҳаёт бўлганларида 10 май куни 90 ёшни қарши олган бўлар эдилар. Ўзбекистон тиббиётининг буюк дарғаси **Шаҳоб Ҳамраев** 1935 йилнинг 10 май куни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида таваллуд топган.

муносиб ҳисса қўшди. Ортопедия ва травматологиянинг долзарб масалалари бўйича 1986 йилда Латвия травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида, 1989 йилда Японияда, 1992 йилда АҚШнинг ЙЕЛ университетида, 1995 йилда АҚШнинг Иллинойс университетида, 1997 йилда Швейцарияда, бир неча бор Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида малака оширган. Бу ташаббуслар ортида соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўплаб ютуқлар пойдеворини кўриш мумкин. Устозим **Шаҳоб Шамсиевич**нинг илмий фаолияти узун найсимон суякларда остеомиелит муаммосини ҳал қилиш, ревматоид артрит касалликларини бартараф этиш, сон-ча-



ка ошириб, ортопедия соҳасида халқаро тажрибани юртимизга татбиқ эта олди. Устоз «Игна билан қудуқ қазилдек» машаққатли меҳнатлари эвазига эришган илмий тафаккури ва тажрибаларини халқимиз саломатлиги йўлида сарфлади. Бугунги кунда устозимиз **Шаҳоб Шамсиевич Ҳамраев**нинг илмий ғояларини ривожлантириш мақсадида кафедранида алоҳида маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Бу дарслар талабалар учун назарий билимлар билан бирга амалий тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Яқин кунларда устознинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг шогирдлари ташаббуси билан **Шаҳоб Шамсиевич Ҳамраев** номидаги махсус стипендия таъсис этишни режалаштиряпмиз. Бу стипендия билимли, фидойи ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали устоз илмидан баҳраманд бўлишлари ҳамда ўз фаолиятларида қўллашда пухта замин яратади деган умиддамиз. Эътирофлиси шундаки, Тошкент тиббиёт академияси илмий педагогик жамоаси бу ташаббусимизни қўллаб қувватламоқда. Шунингдек, май ойининг бошидан Тошкент тиббиёт академияси матбуот хизмати қошидаги «Доктор репортер» ижодкор ёшлар клуби «**Шаҳоб Ҳамраев** ҳафталиги» га старт берди. Бу қизгин ижодий жараён сабаб мана ҳар куни травматология ва ортопедияга қизиққан ёшларимиз **Шаҳоб Ҳамраев** илмини янгича талқинда ўрганишга қизиқишлари борлигини айтиб кафедрамизга мурожаат қилишмоқда. Бизни хурсанд қиладиган томон талабаларимиз олим билан бир даврда ишлаган, илм ўрганган профессор ўқитувчилар билан суҳбат асосидаги мақола ва интервьюларни оммавий ахборот воситалари саҳифаларида **Шаҳоб Ҳамраев** илмий мероси давом этади ҳештеги остида тарғиб этмоқдалар. Шу тарика биз ҳар бир муваффақиятимиз, амалга оширилаётган янги тадқиқотларимизда **Шаҳоб Шамсиевич**нинг илмий мероси яшаётганини ҳис қиламиз. Унинг илмга ва инсонпарварликка бўлган садоқати ҳамиша биз шогирдлар билан бирга эканлигидан қувонамиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ёшларга қарата шундай дегимиз келади. Илм йўли шундайки, сен унга астойдил бел боғлаб олаётган илмингни яхшилик ва эзгуликка бағишлашга қарор қилсанг, шунингдек, бу йўлда излаб топганларингдан кимдир баҳраманд бўлишини истасангина мақсадларингга эришасан ва комил инсон мақомига эга бўласан.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА
суҳбатлашди.
Тошкент тиббиёт академияси
матбуот хизмати котиби.

Илмнинг ўчмас МАШЪАЛИ...

Шогирд эътирофи

1985 йилда Республика клиник шифохонаси очилиб, профессор Ш. Ҳамраев унинг раҳбари этиб тайинланди. Мен эса «Қўл ва бармоқ жарроҳлиги» бўлимига бўлим мудири сифатида иш бошладим.

Домлам менга илмий изланиш олиб боришни тавсия этдилар. Улар раҳбарликларида 1989 йилда «Фолькман контрактураси клиникаси ва даволаш» мавзусида номзодлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. 1985 йилда Республика клиник шифохонаси очилиб, профессор Ш. Ҳамраев унинг раҳбари этиб тайинланди. Мен эса «Қўл ва бармоқ жарроҳлиги» бўлимига бўлим мудири сифатида иш бошладим.

Домлам менга илмий изланиш олиб боришни тавсия этдилар. Улар раҳбарликларида «Фолькман контрактураси клиникаси ва даволаш» мавзусида номзодлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Саодат АСИЛОВА,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

9 –Май Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан ўз касбининг фидойиси бўлган профессор **Шаҳоб Шамсиевич**нинг ҳаёт ва фаолиятларини хотирлаш мақсадида устознинг шогирди Тошкент Тиббиёт Академияси травматология, ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси мудири Мурод Каримов билан суҳбатда бўлдик.

Шуҳратни ҳалол меҳнатдан, одамлар розилиги ва шогирдлар камолини кўришдек неъматдан топган илмпарвар инсонлар ҳақида гап кетганида мен энг аввало устозим — профессор **Шаҳоб Ҳамраев**нинг ёдга оламан. Бир қатор жарроҳлик муолажаларини ишлаб чиққан инновацион жарроҳ, жарроҳликнинг турли соҳаларида илмий мақолалар муаллифи, ташкилотчи, шифокор, файласуф, бутун ҳаётини тиббиётга бахшида этган инсон. Уларни ёдга олган сари қалбимда чуқур ҳурмат ва миннатдорлик туйғулари жўш уради. Ҳақиқатан ҳам, устознинг ўқиб-ўрганган илми ва бутун умри давомида орттирган тажрибасини тиббиётдек мураккаб ва масъулиятли соҳа ривожига бағишлаган бу инсоннинг халқимиз саломатлиги йўлидаги машаққатли меҳнатлари ва тиббиёт тарихидаги ибрат мактаби ўз аҳамиятини йўқотмай, шогирдлари ҳамда бўлажак тиббиёт ходимлари учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Устозимнинг тажриба мактабига дахлдорлигим эса мен учун бекиёс таскин манбаидир. Ўзбекистон тиббиётининг буюк дарғаси **Шаҳоб Ҳамраев** 1935 йилнинг 10 май куни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида таваллуд топди. Болалиқдан илмга бўлган иштиёқи уни билим маскани томон етаклади. Яхши инсонлар тарбиясида камолга етиб, инсонпарварлик ва фидойилик фазилятларини эл қорига яратишдек мақсадлари уни 1952 йили ҳозирги ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясига етаклади. Устозим ёшлиқдаги хотираларни сўзлаб берганида айнан шу билим масканини 1958 йилда муваффақиятли тугатганлигини фахр билан айтган эди. **Шаҳоб Шамсиевич** 1959-1961 йилларда Тошкентда клиник ординатура бўйича билим ва тажрибасини бойитди. 1961-1964 йилларда Москвадаги Н. Пирогов номидаги Иккинчи Москва тиббиёт институтининг аспирантурасида тахсил олди. Ёш олим 1964 йилда "Дюпонтрен контрактураси ва уни жарроҳлик йўли билан даволаш" мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, ортопедия соҳасига янги илмий йўналишларни олиб кирди. 1974 йили Москвада марказий травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши унинг номи билан

боғлиқ катта илмий ўзгаришларни бошлаб берди. **Шаҳоб Шамсиевич**нинг илмий тадқиқотлари самараси бўлмиш "Узун найсимон суякларнинг сурункали травматик остеомиелитли беморларни вакуум ва гомопластика усулида даволаш" мавзусидаги докторлик диссертацияси ортопедия фанининг йўналишини тубдан ўзгартирди. Устозим **Шаҳоб Шамсиевич**нинг фидокорона меҳнатлари натижасида Ўзбекистонда биринчи минтақавий шилинч тиббий ёрдам маркази ва Республика ихтисослаштирилган йирик бўғимлар ва қўл жарроҳлиги маркази ташкил этилди. Тошкент давлат тиббиёт институти ўқув ишлари проректори ва Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари сифатида унинг таклифи ҳамда бевосита иштирокида 1990 йилда Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ва 3-сонли Республика клиник шифохонаси ташкил этилиши ҳам миллий тиббиётимиз тизимининг такомиллашувига

ноқ бўғим эндопротезлаш, артроскопия усулини тизза бўғими касаллигида қўллаш, скелетнинг ўсмалари касалликлари учун органларни сақлаш операциялари амалиётини такомиллаштириш каби йўналишларни қамраб олди. Мазкур йўналишда 250 дан зиёд илмий ишлари, 4 та монография, 2 та дарслик ва 35 та ихтиро муаллифи сифатида устознинг номлари тиббиёт илмий тарихи саҳифаларига абадий муҳрланди. Уларнинг раҳбарлигида 4 нафар фан доктори ва 26 нафар фан номзоди тайёрланган. Узок йиллар мобайнида эгалланган илм, орттирилган тажриба ўз маҳсулини бериб профессор **Шаҳоб Ҳамраев** "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби", Россия табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, 2000 йилда - "1999 йил Америка биографик институти йил Инсони", каби мукофотлар соҳиби бўлди. АҚШ, Япония, Швейцария ва Россия федерацияси мамлакатларида ўрганаётган илми юзасидан мала-

-Хотира уйғонса гўзал

Ўзбекистонни ўз касбининг фидойиси, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган, умрини ёшларни тарбиялашга бағишлаган олим-профессорлар, устоз-мураббийлар диёри деб айтиш мумкин. Биз ўзбеклар азалдан устозни улуғлаган, уни ота билан тенглаштириб ҳурматлаган халқмиз.

Дарҳақиқат, устоз отадай улуғ. Бундай улуғ зотлар нафақат таълим, балки инсониятга хизмат қилишга йўналтирилган барча соҳаларда бор. Айниқса, тиббиётда устоз-шогирдлик яққол намоён бўлади. Ўзингиз ўйланг, олийгоҳни тугатиб келган бўлажак шифокор барибир устоз шифокорлар назорати ва панду насихатлари остида иш бошламайдими, илм дунёсига ўзини бахшида қилмоқчи бўлган инсон устоз дуосини олиб, уни айтганларини бажармайдими? Шундай инсонлар борки, ҳаётда улар билан учрашганинг учун Оллоҳга минг қатра шукур қиласиз, улар туфайли ҳаётда ўз ўрнини топганингиздан хурсанд бўласиз. Мени ҳаёт шундай инсон билан учраштирди - бу менинг устозим академик **Даминов Турғунпўлат Обидович**. Мен Турғунпўлат Даминов билан биринчи учрашувимни ҳеч қачон эсдан чиқармаман. 1998 йилнинг май ойи эди. Номзодлик диссертациямни яқунлаб Илмий кенгашга ҳужжатларимни топшириш вақти келган эди. У вақтда Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида педиатрия ихтисослиги бўйича илмий кенгаш фаолият кўрсатар эди ва унинг раиси академик Турғунпўлат Даминов эдилар. Илмий раҳбарим менга Турғунпўлат Обидович қабулига бориб суҳбатдан ўтишим кераклигини айтганларида менда кўрқув пайдо бўлди. Чунки у вақтда устозим Тошкент тиббиёт институтининг ректори, нафақат республикада балки бутун дунёда танилган фан арбоби, мен эса Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедрасининг ассистенти эдим. Белгиланган вақтда қабулларига келдим. Лекин биринчи учрашувдаёқ мени табассум билан кутиб олиб, менга илмий ишим бўйича берган маслаҳатлари хали ҳам эсимда. Мен бу инсоннинг нақадар очик кўнгил, инсонпарвар ва самимий эканлигини ўшанда билган эдим. Номзодлик ишимни ҳимоя қилганимдан кейин 1999 йилда мен Тошкент тиббиёт институтида янги ташкил қилинган болалар касалликлари кафедрасига ассистент бўлиб ишга келдим. Ўшанда ректор Турғунпўлат Даминов янги кафедра аъзолари билан шахсан ўзлари суҳбат ўтказдилар ва бизга иш юзасидан жуда кўп маслаҳатлар бердилар. Орадан анча вақт ўтиб мени қабулларига таклиф қилдилар ва “қизим илмий ишингизни давом эттирмайсизми?” деб савол бердилар. У

вақтда мен кафедра доценти лавозимида ишлар эдим, кўп вақтим ўқув ишлари билан банд эди. Лекин докторлик иши бўйича изланишлар олиб борардим. Домламнинг таклифлари билан докторантурага кирдим ва уларнинг раҳбарликларида докторлик ишимни давом эттириб, муддатидан олдин ҳимояга чиқдим. Бошқа касбларни мутлақо камситмаган ҳолда айтиш жоизки, ҳунарлар орасида

лан ишлаш кераклигини тинмай ўқтирар эдилар. 2007 йилда кафедра доценти бўлиб ишимни давом эттираётган вақтимда устозим мени хоналарига чақириб, “Барнохон мен сизга айтмасдан бир лавозимга сизни таклиф қилдим. – Тошкент тиббиёт академияси Олий маълумотли хамшира факультети деканлигига” деб айтдилар. Мен учун бу қутилмаган таклиф бўлгани учун бир оз ҳайрон бўлиб турдим ва “ахир мен деканликни эплай олмайманку, сизни уялтириб қўйишдан кўрқаман” дедим. Устозим менга “ҳеч ким бошлиқ бўлиб дунёга келмайди, сиз қобилиятли ва энг асосийси адолатли инсонсиз, эплайсиз” дедилар. Бу гаплардан бир томондан жуда фахрландим, иккинчи томондан қандай қилиб мен учун янги бўлган ишни эплайман деб ўйладим. Тошкент тиббиёт академиясининг собиқ ректори, академик Шав-



қилишга ҳаракат қиламан. Суҳбатлашганимизда улар менга “Барнохон, бир одам сизга бир нарсани илтимос қилиб келса ўзи бир иш юзасидан нажот сўраб келадими, агар сиз унга қўпол тарзда йўқ жавобини берсангиз жуда хафа бўлиб чиқиб кетади. Агар ёрдам бериш қўлингиздан келмаса, ёки бу сизнинг хизмат доиранингизга кирмаса сиз унга яхши муомала қилиб, ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилинг, маслаҳатингизни аяманг.” деган эдилар. Ишим давомида бундай ҳолларга жуда кўп дуч келдим, шунда устозимнинг сўзларини эслаб иш тутишга ҳаракат қиламан. Ҳаётда ёзилмаган, аммо унга амал қилинмаса, хунук оқибатларга олиб келадиган қонунлар бор. Шулардан бири устоз ва шогирдлик муносабатларидир. Халқ орасида устоз ва шогирдлик одоби, қадрияти, мулоқот шартлари ана шундай ёзилмаган қонунлар шаклида миллион йиллардан буён яшаб, камолга етиб, ривожланиб келмоқда. Бирон бир касб эгаси йўқки, у устоз кўриб камолга етмаган бўлсин. Устоз ва шогирдлик ришталари жуда нозик бўлиб, сал қалтис ҳаракат қилинса, узилиши, кейин уланганда ҳам тугун қолиши мумкин. Ана шундай ҳол юз бермаслиги учун, аввало, шогирд устозига чексиз меҳр қўйиши, ишониши, унинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатини тушуниши, унга риоя қилиши шарт. Шогирд устозидан ўрганганларини маромига етказиб, мустақил иш бошлашдан олдин устозини рози қилиб, дуосини олиши ҳам одат тусига кирган. Шогирдидан кўнгли тўлган устозгина унга чин дилдан фотиҳа беради. Халқимиз «Устоз кўрмаган шогирд - ҳар мақомга йўрғалар» деган ҳикматли иборани бежиз айтмаган. Мен бахтлиман, чунки ўз вақтида устозимнинг фотиҳаларини олганман. Уларнинг номларига доғ туширмасликка доим ҳаракат қиламан ва “Илоҳим устозимнинг жойлари жаннатда бўлсин” деб доим дуо қиламан. Бу дунёда инсондан қилган яхшиликлари-ю эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандлари-ю тарбиялаган шогирдлари қолади. Барчамизга улуғ устозларимиздек устоз бўлиш, яхши шогирдларни вояга етказиш бахти насиб этсин.

Барнохон ХОЛМАТОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
1-даволаш факультети
декани, профессор

УСТОЗИМНИ ЭСЛАБ...



энг қийини илм ўрганишдир. Бу борада устоз танлашнинг ҳам аҳамияти катта. Аввало, устоз билан шогирд бир-бирига муносиб бўлиши, бир-бирини тушуниши лозим. Бунда кўпроқ масъулият шогирд зиммасига тушади. Негаки, шогирд устозини авайлаши, унинг ҳурматини жойига қўйиши, баъзи инжиқликларига чидаши, игна билан қудуқ қазиндек захматли ишга бардош бериши шарт. Докторлик ишим устида устозим билан жуда кўп суҳбатлашар эдик, менга кўп фойдали маслаҳатлар берар эдилар. Энг асосийси тушқунликка тушмаслик, қийинчиликлардан кўрқмаслик, шижоат би-

кат Каримов билан суҳбатдан сўнг мен ОМХ факультети деканлигига тавсия қилиндим. 2007 йилдан буён декан вазифасида ишлаб келар эканман биринчи навбатда мен учун энг улуғ ва ҳурматли бўлган икки инсоннинг бир томонлама устозим Турғунпўлат Даминов, иккинчи томондан Шавкат Каримовнинг менга бўлган ишончларини оқлашга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Устозим Турғунпўлат Обидович менга нафақат тиббиёт сирлари, балки одамийлик, инсонийлик бўйича ҳам кўп сабоқлар берганлар. Уларнинг бир қанча маслаҳатларига бугунги кунда ҳам амал

Саломатлигим бўйича мурожаат қилганимда, улар менинг оғриқли дардимга нажот бахш этдилар. Шунингдек, шифо масканларида даволанишимда катта ёрдам берган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи, профессор Анвар Алимовдан ҳам жуда мамнунман.

“Бир инсон кўнглини олмоқ, Қабани обод этган билан баробар” деган ана шундай

пурмаъно иборанинг мазмун моҳиятини чуқур англаб етган, юқорида номлари тилга олинган азиз инсонларимизга қалбим тўридаги дил изҳоримни бахшида этаман.

Уларга узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган хайрли ишларида омадлар тилаб қоламан.

Вазира МУХАМЕДОВА,
Тошкент шахри.

-Дил изҳори

Эзгу тилакларим сизларга

Кўп йиллардан буён саломатлигимдаги ўзгаришлар туфайли пойтахтимиздаги бир қанча шифо масканларида тез-тез даволаниб чиққанман.

Соғлигимдаги жиддий ўзгаришларни даво-

ланиш жараёнларида англаб етганман. Бугунги кунда саломатлигим бир оз бўлсада яхши. Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳушмуомалаллиги, меҳрибонлиги, қолаверса, ўз касбига садоқат билан ёндашиши улардаги инсонийлик

фазилатларининг мужассам эканлигини кўрсатади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбаевалардан мингдан-минг миннатдорман.

Дилдаги гаплар

ШОГИРДНИНГ УСТОЗГА БЎЛГАН ЭХТИРОМИ

“Дунёда яхшилар кўп, лекин биз уларнинг қадрига етгизми?”, деган эди донишмандларимиздан бири. Бу гапда нечоғлик жон борлигини билмаймиз-у, ammo унинг замирида ҳақиқат ҳукмронлигига бугун аминимиз.

Ҳа, орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг орқасидан тожу тахт ёки бўл-маса уюм-уюм бойлик эмас, балки бир умрга татиғулик, боғу роғлар, гулу чаманзорлар қолади ва улардан таралаётган ажиб бир тароват бизни ўзига мафтун этиб, беихтиёр сархуш қилиб, “Бу боғларнинг боғбони ким?”, дея мажнун мисол қўлларимизга қалам тутқазади. Беихтиёр ким экан ўша инсон дея охишта оқ вараққа яхшилик сатрларини тушира бошлаймиз. Бу ажиб ҳиснинг соҳиби, илму заковатда тенгсиз илм чўққиларини забт этган ўша боғу роғнинг боғбони, нав-нихолларнинг устози ватанпарвар аллома, академик Абдулла Мухаррамович Убайдуллаевдир. Шундай экан, яхши инсонларнинг қадрига етмоқ истагида тиббиётимизнинг дарғаларидан бири ажойиб устознинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш бизга ҳам насиб этди.

Биз суҳбатимизни оддийликдан бошладик.

– Абдулла Мухаррамович, тиббиёт дунёсига кириб келишингизнинг асил сабаби?

– Орзуга айб йўқ деганларидек, ёшлик чоғларимда оқ халат кийиб, шифокор бўлишни жуда-жуда орзу қилардим. Ниҳоят, орзулар уммони мени тиббиёт институтга етаклади, талабалик насиб этди. Чуқур билим олмакнинг ўзи бўлмади. Назария ва амалиётнинг аста-секинлик билан чамбарча бoғланиб келиши, шифокорлик касби нақадар масъулиятли эканлигини кўрсата бошлади. Талабаликка яқун ясаб, шифокор деган шарафли номга эга бўлган куним ўқувчилик давримдаги орзуларимнинг ушалганидан бахтиёр эдим. Лекин бу бахтиёрликни давоми чексиз эканлигини билмаган эканман. Ҳаттоки, устозларимни илми, панд-насихатлари халқимнинг саломатлиги йўлидаги олиб бораётган ишларимнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсата бошлади. Мени ўзига мафтун этган тиббиёт илмининг асосчиси, буюк аллома Ибн Синонинг издоши бўлишимга замин яратди. Тўғриси айтганда, ханузгача тиббиёт дунёсининг олампидан завқланиб келаман. Фаолиятим давомида машаққатли меҳнатларим маҳсули мени академиклик даражасига етказди. Албатта, шифокор бўлишимга сабабчи бўлган энг яқин инсонларим: меҳнаткаш отам Мухаррам Убайдуллаев ва мушфик онам Башорат Ҳакимовалар қаршисида қиёматгача ўзимни бурчли ва қарздор, деб ҳисоблайман. Уларнинг порлок хотираси олдида бош эгаман.

– Устоз шараф билан масъулият сўзларини бир-бирига қиёс эта оласизми?

– Жуда ўринли савол бердингиз. Президентимиз айтган-



ларидек, савоб иш қилмоқдан буюк бахт бўлмаса керак. Мен ана шу фикрларга қўшиламан. Шунинг учун шифокорлик касбини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмаيمان. Аксинча, фахрланаман. Агар беморлар дардига малҳам бўлиб, вужудларидеги касалликни йўқ қилсам касбим нақадар шарафли эканлигига амин бўламан. Масъулиятга келадиган бўлсак, бу бизнинг виждонимиз амрига бўйсуниб иш тутмоғимизни такозо этади. Шундай экан, фаолиятим давомида шу икки сўзнинг асл моҳиятини куйидаги фикрларимда баён этишни жоиз, деб билдим. Агар мен беморларимни соғ, тетик, хуш кайфиятда кўрсам, гўёки яна бир қарра ёшаргандай бўламан. Гоҳида дард азоби ила қийналаётган беморларнинг кўзларига бoқсам “Эй одам, умринг шамдек тез ёниб, тез сўнади. Қара, ҳаттоки, ундан асар ҳам қолмаяптику, олов танангни емириб бўлди ахир”, дея унсизгина ух тортаман. Яна ва яна сир сақлайман, наилож шунда нимадир ютқазиб, наҳотки маъсум кимсанинг ҳаётини асраб қололмайдим, наҳотки қўлларим, наҳотки фан ожизлик қилди-я, дея хўрсинаман. Ана шундай пайтда шарафли сўздан “масъулият” сўзини устун қўяман. Чунки,

биз шифокорлар фаолиятимиз давомида масъулиятни ҳис этсак, ҳар бир инсон эса ўзининг соғлиги учун масъул бўлмоғи керак, деб ўйлайман.

– Сизнинг қомил инсон бўлиб етишишингизда устозларингизнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?

– Ўқувчилик ва талабалик йилларим... Шўх-шодон ўтган давларим, мактабдаги устозимнинг қўлимга илк бор қалам тутқазганлари, етуклик шаҳодатномамни олган кезларим ҳали ҳамон кечагидек эсимда. Вакт олий ҳакам экан. Олий даргоҳни тугатгач, устозларнинг қадри қанчалик юқори эканлигини шоҳиди бўлдим. Устозларидан таълим-тарбия олган, иш ўрганган, уларнинг берган сабоғидан ҳаётда ўз йўлини топган инсонгина вақти келиб ўзи ҳам устоз бўлади. Ҳамма инсонлар қатори менинг ҳам ҳаётимда устозларим кўп бўлган. Жамики устозларим олдида доимо қарздорман. Ҳа, кечагина шогирд эдим, бугун эса устозман. Фаолиятим давомида кўп ёшларга устозлик қилдим. Ҳар бир шогирдимнинг “устоз” деб мурожаат қилиши кўнглимни тоғдек кўтаради.

– Абдулла Мухаррамович, айниқса, устозингиз тиббиёт



фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Нью-Йорк фанлари академияси академиги Шабот Хўжаев номларини қалбингиз тўридаги эхтиромингиз билан тилга олдингиз.

Албатта, мен устозим Шабот Хўжаевни жуда ҳурмат билан тилга оламан. Уларнинг ҳаёт йўли, шифокорлик илми ва амалиёти соҳасидаги хизматларию, ҳиссалари, жамоатчилик фаолияти ҳамда эзгу фазилатларини эътироф этаман. Эсимда... Устозимнинг тиббиёт йўналишида кўрсатган йўл-йўриқлари, панду насихатлари мени бу соҳада илмий иш қилишимга асос бўлган. Шунингдек, соҳанинг қанчалик мураккаб эканлигини ва бу йўналишда тинимсиз изланиш муҳимлигини доим уқтуриб келар эдилар. Бир сўз билан айтганда, биз жуда қадрдон бўлганмиз. Тарихга назар ташласак: Вирусология илмий-текшириш институти 1978 йил 27 декабрда ташкил этилган. Мазкур институт клиник ва амалий вирусология бўйича ихтисослаштирилган илмий-текшириш муассасаларидан бири ҳисобланади.

1979 йилда Вирусология институти директори этиб устозим, профессор Шабот Хўжаев тайинландилар. Эътироф билан айтмоқчиманки, институтни ташкил этилиши, янги биносининг қурилишида устозимнинг ҳиссалари катта бўлган. Айниқса, ушбу институтдаги 25 йиллик фаолияти давомида устозим мазкур йўналишда қанчадан-қанча ютуқ ва натижаларга эришиб, институтнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб

кетдилар.

Суҳбатимиз давом этар экан, академик Абдулла Мухаррамович, камтарлик билан сўз бошладилар: “Ҳа, бундай қомил инсонларни абадул абад қалбда сақлаш учун уларни ҳаёт ва фаолият йўллари тарихга муҳрлаш учун музей бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен ана шу ақидамга амал қилган ҳолда устозим Шабот Хўжаевнинг фарзандлари билан маслаҳатлашиб, Вирусология илмий-текшириш институтида устозимнинг хотира музейини ташкил қилдим”.

Академик Абдулла Мухаррамович, маъюслик билан “Устозимнинг 2 май куни таваллуд кунлари эди. Қабрларига бориб, зиёрат қилдим. Агар хоҳласангиз уларнинг музейларига таширф буюрамиз”.

Биз институтнинг 2-қаватида ташкил этилган тиббиётимизнинг буюк дарғаси “Профессор Шабот Хўжаевнинг музейи”га қадам ранжида қилдик. Аввало, мўъжазгина хонада устознинг руҳларига қуръон тиловат қилдик. Академик Абдулла Мухаррамович, устозларининг ҳаёт ва фаолият йўллари оид кўргазма шкафидаги китоблари, тарихга бир умр муҳрланиб қолган суратлар ҳамда альбомлари тўғрисида чуқур маълумот бериб ўтдилар. Профессор Шабот Хўжаевнинг тиббиёт тарихидаги мислсиз ишлари ҳамда тарих зарварақларига битилган ва ўтмиш хотираларини эслатувчи суратларини кўрар эканман, ҳақиқатдан ҳам устознинг босиб ўтган йўлларию, йиллари қанчалик таҳсинга лойиқ эканлигига тан бердим.

Биз тарих ва бугунги боғловчи мўъжазгина музейдан қайтар эканмиз, юқорида таъкидлаганимиздек, устоз Шабот Хўжаевдан бир умрга татиғулик, боғу роғлар, гулу чаманзорлар қолганлигини яна бир бор юракдан ҳис этдик. Таъкидлашим муҳимки, профессор Шабот Хўжаевнинг тарих зарварақларига муҳрланган ҳаёт ва фаолият йўлига бағишланган ушбу мўъжазгина музей академик Абдулла Убайдуллаев томонидан ташкил қилинганлигига гувоҳ бўлдик.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА,
журналист.

«Ўзбекистонда касаб а уюшмаси ҳаракати бошланган пигига 120 йил тўлди

ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ, ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Маълумки, бу йил Ўзбекистонда касаб а уюшмалари илк ҳаракати бошланганлигига 120 йил тўлади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб а уюшмаси эса келгуси 2026 йилда ўзининг 120 йиллик юбилеи тантаналарини нишонлайди. Ҳозирда тизимда ушбу тарихий саналарни муносиб кутиб олиш жараёнларига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бундан ташқари, жорий йил мамлакатимиз касаб а уюшмалари фаолиятида муҳим жараён – ҳисобот-сайловлар йилидир.

Бугунга қадар касаб а уюшмамиз тизимидаги мавжуд 936 та бошланғич ташкилотларимизда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Июнь ойи давомида касаб а уюшмамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари режалаштирилган бўлса, август ойида эса тармоқ касаб а уюшмасининг навбатдаги Курултойи бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.

Ҳўш, бу йилги ҳисобот-сайлов компанияси олдингиларидан нимаси билан фарқ қилади? Гап шундаки, йил бошида-ноқ биз барча бўғин касаб а уюшма ташкилотларида бўлиб ўтадиган сайловларни мутлақо ошқоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтказишни олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Яъни, барча бўғин касаб а уюшма ташкилотларида олдинги беш йиллик фаолиятимиз ҳақида ҳисобот берар эканмиз, кейинги беш йилда фаолият олиб борувчи касаб а уюшма ташкилотлари сайловини алтернативлик асосида ташкил қилдик. Жойларда касаб а уюшмаси кўмитаси раиси лавозимига сайловлар ўтказишда раислик учун энг камида икки нафар шахс номзоди кўйилиши иноватга олинди. Касаб а кўмита лавозимига сайловларни демократия тамойилида ўтказиш учун фақат ёпиқ тарзда овоз бериш усули билан ўтказилди. Бу деганики, бу галги бошланғич ташкилотларимизнинг сайловларида касаб а уюшмаси аъзоларига фақат ўзларига маъқул номзодларга овоз бериш имконияти яратилиб, фақат кўпчилик ёклаган ва энг кўп овоз олган номзодлар раис этиб сайландилар. Ҳозирда июнь ва август ойларида бўлиб ўтадиган ҳудудий ва Республика даражасидаги ҳисобот-сайлов жараёнларига тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, касаб а уюшмаси фаоллари – конференциялар ва Курултойга делегат этиб сайланадиган фаолларга юзланиб, уларга ҳам худди шундай имконият берилишини эслатган ҳолда, фақат муносиб номзодларга овоз беришларига ишонаман!



Мана, юртимизга май ойи ҳам кириб келди. Май ойи, таъбир жоиз бўлса касаб а уюшмамиз ўз олдига мақсад қилиб қўйган бир қанча вазифалар ижросини таъминлаш учун ажойиб имкониятлар ойи бўлади десам ҳеч муболага қилмаган бўламан. Жумладан, яқинлашиб келаётган “9 май – Хотира ва кадрлаш куни” байрами муносабати билан касаб а уюшмамиз тизимида кейинги йиллар давомида анъана тусини олган “Ҳеч ким унутилмайди, ҳеч ким эътиборимиздан четда қолмайди. Барча ҳаракатларимиз инсон кадрлари учун!” деб номланган акциямизни ўтказишни режа қилганмиз. Ушбу акция доирасида касаб а уюшмамиз турли бўғин ташкилотлари томонидан, тармоқ иш берувчилари – корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан биргаликда илгари тизимда фаолият юритган ва турли сабаблар билан вафот этган 892 нафар собиқ ҳамкасбларимиз хонадонларидан хабар олиб, уларнинг оила аъзоларига касаб а уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тайёрланган Хотира ёдномаси, соҳада меҳнат қилиб ҳозирда қариллик нашидасини сўраётган пенсионерларимиз ёки кўп йиллардан бери тизимда самарали меҳнат қилиб келаётган фахрий ходимларимиздан 3450 зиёдини меҳнат фаолиятини эътироф этилган Қадрно-малар топширишни олдимизга мақсад қилганмиз. Ўйламанки, ушбу хайрли

тадбиримиздан ўзларининг бутун ҳаётини инсонлар саломатлиги сақлашга ёки соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга бағишлаган ва бугунги кунда орамизни тарк этган марҳум ҳамкасбларимиз ёрқин хотираларини яна бир бор эсга олишимизга, шунингдек, ёши улуг бўлишига қарамасдан бугунги кунда ўзининг касбий фаолиятини

давом эттираётган, бор билим ва маҳоратини ёшларимизга ўргатиб келаётган фахрийларимизга кадр-қиммат кўрсатишимиз учун яна бир бор имконият беради.

Касаб а уюшмамиз томонидан май ойида ўтказиш режалаштирилаётган катта тадбирларимиздан яна бири бу – “12 май – Халқаро Ҳамширалар куни” касб байрамини ташкил қилиш ва ўтказишдир. Ушбу тадбиримиз ҳам кўп йиллардан бери ташкил этилиб келинаётган ва анъана тусини олган тадбирларимиздан биридир. Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг бошидан соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси билан биргаликда қўшма қарор қабул қилиб, унга кўра, 28 ёшгача бўлган ҳамшираларимиз ўртасида “Ҳамшира-2025” кўрик-танлови, 28 ёшдан катта ҳамшираларимиз ўртасида 15 та номинация бўйича “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” танловларини эълон қилганмиз. Бундан ташқари, вазирлик ташаббуси билан бирламчи бўғин патронаж бригадалари доялари ўртасида “Йилнинг энг яхши дояси” танлови, касаб а уюшмамиз томонидан эса ҳамширалик касбининг жамиятдаги ўрнини ошириш ва оилани мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида соҳада ҳамшира бўлиб ишлаётган опа-сингилларимизнинг 7-10 ёшли фар-

зандлари ўртасида “Менинг онам ҳамшира” расмлар танлови эълон қилинган эди. Эълон қилинган барча танловлар муассаса, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида ташкил қилинди. Тасдиқланган Низомларга асосан бу танловларнинг Республика босқичлари иштирокчи ва ғолиблари 12-май Халқаро ҳамширалар куни касб байрами муносабати билан ўтказиладиган Республика тадбирида тантанали тақдирланиши белгилаб қўйилган. Бугунги кунда тадбирлар ташкилий кўмитаси томонидан ушбу ғолиб ва иштирокчиларимизни танлов рамзлари, қимматбаҳо совринлар билан тақдирлаш учун тайёргарлик кетмоқда. Қувонарлиси шундаки, “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” ҳамда “Йилнинг энг яхши дояси” танловларининг 1-ўрин ғолиблари юқоридаги совринларга кўшимча тарзда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланиши кўзда тутилмоқда. Касб байрами муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирда иштирок этиш учун Республикаимизнинг барча ҳудудларидан 50 нафардан ортиқ ҳамшираларимиз пойтахтимизга ташриф буюриш учун таклиф қилинганлар. Уларнинг аксарияти, Тошкент шаҳрига илк марта келаётганларни ташкил қилади. Касаб а уюшмамиз томонидан пойтахтга меҳмонга таклиф этилган бу ҳамшираларимиз учун, тадбир 9 май - Хотира ва кадрлаш куни байрами арафасида ўтказиладиганлиги муносабати билан, энг аввало “Ғалаба хиёбони”га, ундан кейин Тошкент сити, Мажестик сити ва Янги Ўзбекистон мажмуаси, Хаста Имом, Зангиота зиёратгоҳлари ва бошқа кўплаб диққатга сазовор жойларини томоша қилишлари режалаштирилган.

Шунингдек, вазирлик, касаб а уюшмаси ҳамда Ассоциациянинг қўшма қарорига асосан, ҳамшираларимизнинг касб байрами муносабати билан вазирлик тизимидаги барча муассасаларда шундай тантанали тадбирлар ўтказилиши, уларда меҳнатда алоҳида ютуқларга эришиб бошқаларга ўрнак бўлаётган ҳамшира ва ўрта тиббиёт, фармацевтика ходимларининг меҳнатларини алоҳида эътироф этиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида топшириқлар берилган.

Фарҳод ХАНАПИЯЕВ,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
ходимлари касаб а уюшмаси
Республика Кенгаши раиси.



Юртимиз шифохоналарида

СОҒЛОМ ФАРЗАНД МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда давлатимиз томонидан келажагимиз бўлган болажонларимиз саломатлигига доимий эътибор қаратиб келинаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, бугунги кунда ёш авлодни саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида юртимиз тиббиёт муассасаларида самарали фаолиятлар йўлга қўйилганлиги албатта қувонарли ҳолдир. Шундай экан, бу борада пойтахтимиздаги болалар соғлигини тиклашга қаратилган кўплаб шифо масканлари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика марказида ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз мазкур марказ бош шифокори Абдулла Ибатов.



текширувлар амалга оширилади. Бизда бола миясининг бошқа тузилмалари бўйича катта пешона тешиги орқали нейросонография текшируви ўтказилади – бу текширув боладаги марказий асаб тизими ривожланишининг патологик ҳолатлари ва туғма аномалияларни эрта аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бизда жигар ва ўт қопи функциясини озука юки билан илмий сертификатланган текширув ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотнинг ўзи-

кам учрайдиган (орфан) касалликларга аниқ ташхис қўйиш, генетик хавфни

”

Марказда мамлакатимизнинг бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилмайдиган уникал текширувлар амалга оширилади. Мутахассислар бола миясининг бошқа тузилмалари бўйича катта пешона тешиги орқали нейросонография текшируви ўтказитишади – бу текширув боладаги марказий асаб тизими ривожланишининг патологик ҳолатлари ва туғма аномалияларни эрта аниқлашга ёрдам беради.

– Абдулла Сагдуллаевич Тошкент шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика марказида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?

– Юртимизда болалар саломатлигини асраш, ушбу йўналишдаги тиббиёт муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа амалиётига замонавий даволаш ва ташхис усуллари кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Муассасамиз 800 қатновга мўлжалланган бўлиб, Тошкент шаҳар болалар аҳолисига 0 дан 18 ёшгача бўлган болаларга (923946) халқаро стандартлар талаблари даражаси ва сифатига мувофиқ юкори малакали маслаҳат-диагностик ёрдам кўрсатади. Марказимизда 336 нафар тиббиёт ходимлари болалар саломатлиги йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда. Марказимизда педиатрия йўналиши бўйича маслаҳат, жарроҳлик йўналиши бўйича маслаҳат, соғлиқни тиклаш, функционал диагностика, клиник-диагностик лаборатория, микробиологик лаборатория бўлимлари, тиббий генетика хоналари мавжуд. Ушбу бўлимларида малакали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда. Марказимизнинг Педиатрия йўналиши бўйича маслаҳат бўлимида қуйидаги тор мутахассислар: педиатр, невропатолог, дерматолог, эндокринолог, гастроэнтеролог, алерголог, нефролог ва кардиоревматологлар пойтахтимиз болажонларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Шифокорларимизнинг юксак билимга эгаллиги, барча тор мутахассисларнинг мавжудлиги бемор болаларга тўғри ва аниқ ташхис қўйишда ёрдам беради. Барча тор мутахассисларни бир жойда бўлиши ва тиббий хизматларнинг Тошкент шаҳар аҳолисига бепул олиб борилиши улар учун қулайлик яратмоқда. Шунингдек, жарроҳлик йўналиши

бўйича маслаҳат бўлими мавжуд бўлиб,



унда қуйидаги малакали шифокорлар яъни окулист, ортопед, жарроҳ, ЛОР ва кизлар гинекологи ўз тиббий кўрикларини олиб боришмоқда. Ундан ташқари муолажа хонаси ҳам мавжуд. Бу муолажа хонасида биохимик текширувларга қон олиш муолажалари бажарилади. Жарроҳлик бўлимида кизлар гинекологи тиббий кўригининг олиб борлиши шаҳар аҳолиси учун кенг имкониятларга эга бўлмоқда. Бу мутахассислик кўплаб тиббиёт муассасаларда мавжуд эмас. Айтиш муҳимки, сўнгги йилларда муассасамизда чақалоқлар ва болалар орасида учраётган касалликларни эрта аниқлаш мақсадида қатор янгиликлар кузатилди. Соҳага замонавий ва илғор диагностика ҳамда ташхис усуллари кенг жорий этилиши натижасида беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати янада ошди. Диагноз ва текширув параметрлари замонавий, лаборатория тадқиқотларига асосланиб, стандарт протоколлар бўйича амалга оширилади. Функционал диагностика бўлими – ёрдамчи бўлим бўлиб. Бу ерда мамлакатимизнинг бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилмайдиган уникал

га ҳослиги шундаки, ўт қопининг қисқариш функцияси

икки босқичда ўрганилади – биринчи босқич “оч қоринда”, иккинчиси озука юки билан. Бу текширув жигарнинг функционал хусусиятлари, ўт йўллари ўта олиш қобилияти ва ўт қопи деворининг эластиклигини аниқлаш имконини беради. Бўлимда сўнгги авлод замонавий эхокардиограф аппарати мавжуд бўлиб, у болаларда аввал аниқланмаган туғма юрак нуқсонларини, олдин кўринмаган ҳолатларни, қоринчалар ва қош жараёни деворлари нуқсонларини, шунингдек, юракнинг кам учрайдиган туғма аномалияларини аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари марказимизда генетика бўлими ҳам фаолият олиб боради. Бўлимда шифокор генетик маслаҳат хонаси бўлиб унда: болалар ва уларнинг оилаларига наслий касалликларнинг олдини олиш, касалликларнинг наслланиш турлари, аниқланган касалликларнинг кечиши, даволаниши ҳақида кейинчалик ушбу оилада касалликнинг яна такрорланиш хавфи бўйича маслаҳатлар берилади. Тиббий генетик маслаҳатига асосан тор мутахассислар томонидан

аниқлаш мақсадида йўналтирилади. Тиббий генетика маслаҳат хонасидан ташқари Тиббий генетика лабораторияси ҳам мавжуд. Унда хромосом ва наслий касалликлар, бирламчи (наслий, туғма) ва иккиламчи (соматик касалликлар фонидаги) модда алмашинуви бузилиши касалликларини аниқлашда 4 та турдаги таҳлилларни амалга оширилади, жинсий хроматинни аниқлаш, терлатиш тести, пешоб скрининг тестлари (жами 16та синамадан иборат) ва дерматоглифика. Бу текширувларнинг характерли хусусиятлари: оддий, арзон, тез натижа берувчи тестлар ёрдамида амалга оширилади. Оммавий текширишлар натижасида маълум касалликга гумон қилинган шахслар аниқланиб, уларни мураккаб, аниқ натижа берувчи усуллар ёрдамида такрорий текширилади. Жинсий хроматин аниқлаш: цитогенетик текширувларнинг энг оддий, арзон ва тез натижа берувчи таҳлил бўлиб болалардаги жинсий дифференцировка

Давоми 11–бетда⇒

СОҒЛОМ ФАРЗАНД МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

«Давоми. Боши 10-бетларда»


бузилиши, гермафродитизмда, Шерешевский-Тернер, Клайнфельтер синдромларига шубҳа бўлганда, бирламчи аменорея, иккиламчи жинсий белгилар кечикиши, жинсий ва ақлий ривожланиш орқада бўлиши, эркаклар ҳамда аёллардаги бепуштлиқ ва бошқалар.

Пешоб скрининг тестлари биокимёвий текширув бўлиб модда алмашинувининг наслий ва иккиламчи (соматик касалликлар фонидаги) дефектларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Наслий МАБни куйидаги белгилар билдиради: ақлий заифлик, аутизм ва хулқ, нутқ бузилиши, интеллект пастлиги, жисмоний ривожланиш бузилиши (нотўғри ўсиш, суяклар деформацияси, семизлик, бўғимлар гипермобиллиги ёки ҳаракат чегараланиши, кўриш ва эшитиш қобилияти пасайиши), талваса, мушаклар гипо ёки гипертонияси, сариклик, ошқозон-ичак системасида: тез-тез қайд қилиш, диарея, иштахасизлик, ёғли нажас, гепатоспленомегалия, гингивитлар, буйрак тош касалликлари, пешобнинг ноодатий ҳиди ва ранги ва тердаги хлоридларни аниқлаш ёки терлатиш тести – муковисцидоз касаллигини диагностикасида қўлланилади.

Клиник диагностика лаборатория бўлими. Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика марказида клиник диагностика лаборатория бўлими ҳам ўз иш фаолиятини олиб боради. Клиник диагностика лабораторияси бўлимида 17 хил турдаги биохимик таҳлиллар, 7 хил турдаги ИФА таҳлилари, умумий пешоб таҳлили, умумий ахлат таҳлили, гижжа тухумларини аниқлаш усуллари, геникологик суртма, бурундан суртма ва лактоза тест таҳлилари ўтказилади. Бу таҳлиллар жараёнида илғор тиббий аппаратуралар, полуавтомат анализаторлар ва малакали шифокор лаборантлар ёрдамида амал оширилади. Бу эса марказимизга келган болаларга аниқ ташхис қўйишга ёрдам беради. Клиник диагностика лаборатория бўлимида шифокор лаборантлар ва ўрта тиббий лаборантлар ҳам ўз устида ишлаб малакаларини ошириб борадилар.

Бўлим зарур бўлган замонавий асбоб ускуналар билан таъминланган. Шулардан 3 та полуавтомат гематологик анализатор, 8 та бинокуляр микро-

скоплар, 3 та биокимёвий полуавтомат анализаторлар ва 1 та ИФА полуавтомат анализатори ёрдамида болажонларимиз саломатлигини текширишда ишончли ва аниқ таҳлил жавоблари беришга ёрдам беради. Бу аппаратлар ёрдамида умумий қон таҳлилари (19 хил параметрли), умумий пешоб таҳлили, умумий ахлат таҳлили, гижжа тухумлари, нажасда гижжа тухумларини суртмада текшириш, гинекологик суртма ва бурун суртмалари, биохимиявий таҳлиллар (17 хил параметрли) ва 7 хил ИФА таҳлилари ўтказилади. Ўтказилган таҳлиллар натижасида даволовчи шифокорларга ҳар хил соматик ва инфекцион касал-



ликларга ташхис қўйишга ёрдам беради.

Микробиология лабораторияси Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика марказининг асосий бўлимларидан биридир. Лаборатория шаҳар Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати талабларига мос равишда иш олиб боради. 3-4 гуруҳ бактериялари билан ишлаймиз. Микробиология лабораторияси бактериологик ва микробиологик таҳлилларни бажаради. Ўз ичига 16 та тиббий ускуналари бор, бу эса стерил ҳолда махсус таҳлилларни ўтказишга ёрдам беради. Микробиологик лаборатория ичак инфекцияси микрофлораси шартли патоген микрофлора, энтеробактериялар, замбуруғлар, стафилакокк ва ҳаво – томчи инфекцияларининг аниқлаш таҳлилларини ўтказади. Жами 18 та турдаги тадқиқотлар амалга оширади.

Лабораторияда иш фаолияти жиҳа-



тидан барча стандартларга жавоб

беради ва бу эса куйидаги таҳлилларни

амалга оширишга ёрдам беради, жумладан, дисбактериоз, ичак инфекцияси, шартли патоген энтеробактериялар, микрофлора (кўз, қулоқ, бурун, томоқ, балғам, гинекологик суртма), пешоб, қон стериллиги.

Бундан ташқари бўлимларда санитария эпидемиологияни тартибли текшириш мақсадида бўлимларнинг суртмалар ва марказий буғлантириш бўлимини иши қай даражада бажарилаётганини аниқлаш мақсадида тиббий анжомларни стерилностга текшириш лабораториямизда йўлга қўйилган. Текширишдан мақсадимиз, шифохона ички инфекцияларини олдини олиш. Ҳозирги кунда бактериологик таҳлилларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, касаллик қўзғатувчи патоген микробларни олдини олаш, бактериологик таҳлиллар пала-партиш антибиотик терапиянинг олдини олиш учун аини муддаодир.

Тиббий хизматини сифатини ошириш соҳани халққа янада яқинлаштириш мақсадида марказнинг малакали шифокорлари иштирокида ҳудудларда тор мутахассислардан иборат шифокорлар ҳар йили, Тошкент шаҳридаги 3 та меҳрибонлик уйлари, 9 та махсус ёрдамчи мактаб, 9 та мактаб-интернатлари, 2 та мурувват уйлари, шаҳар гўдаклар уйи, "SOS" Ўзбекистон болалар маҳалласи, тарбияланувчиларига мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий профилактик кўрик ўтказилади. Марказимизда электрон навбат тизимининг йўлга қўйилиши, кутиш зали ҳамда она ва бола хонасининг ташкил этилиши беморларнинг шифокор қабулига киришида қулайликлар яратиб, уларнинг вақти тежалишига хизмат қилмоқда. Марказимизда йилдан йилга тиббий туризм ривожланиб борапти. Жумладан, шу йилнинг ортида қолган даври мобайнида марказга маслаҳат ва диагностикага қарийб 45 нафарга яқин хорижлик фуқаро мурожаат қилиб, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Тошкент шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика марказида болалар саломатлигини асраш борасидаги ишлар самарали амалга ошириб келинмоқда.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА,
журналист.

«9 май - "Хотира ва қадрлаш" кун»

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

9 май - "Хотира ва қадрлаш" кун муносабати билан ташкил этилаётган "Инсон қадр учун!" Соғлиқни сақлаш тармоғидаги тиббиёт фахрийларини қадрлаш, марҳумларни ёд этишга бағишланган меҳр ва мурувват акцияси жойларда иш берувчилар, касба уюшма фаоллари, фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда юқори савияда, кенг кўтаринкилик билан давом этмоқда.

Фахрийларга "ҚАДРНОМА" ва

вафот этганларни оиласи ҳолидан хабар олиш, марҳумнинг тириклик чоғида амалга оширган энг эзгу ишларини ҳамда ўз давридаги ютуқларини кенг ёритилган "ЁДНОМА" ёрлиқларини хонадонига топшириш, оила аъзоларидан манзили хабар олиш каби инсонни улуғлашга йўғирилган меҳр ва мурувват акцияси Наманган вилоятидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида давом этмоқда!

Вилоят Ташкилий қўмитаси



■ Конференция

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ЭЗГУЛИК МУЖАССАМ

Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган 905 нафар умумий амалиёт шифокорлари учун Республика марказидан Термиз шаҳрига ташириб буюрган бир гуруҳ юқори малакали профессорларимиз томонидан “Оилавий шифокорлик фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Зафар Сидиков “Ўзбекистонда кўз касалликлари эпидемиологияси ва даволаш усуллари” профессор, шифокор оториноларинголог Холида Шайхова “Оилавий шифокорлар фаолиятида лор касалликларининг аҳамияти”, профессор, шифокор гастроэнтеролог Мамлакат Рустомова “Қоринда оғрик, дискомфорт ва



ёندошувлар” мавзуларида маърузалар қилишди ва конференция иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга тўлақонли жавоб беришди. Мазкур конференцияда 140 нафарга яқин умумий

амалиёт шифокорлари иштирок этган бўлса, 765 нафар умумий амалиёт шифокорларининг шариит ва имкониятлари инобатга олинган ҳолда онлайн тарзда қатнашдилар.

Вилоятимиз шифокорлари Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси ва аъзоларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Шунингдек, конференция иштирокчилар соҳа ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фахрий шифокорларни қўллаб-қувватлаш, ётоқда бўлган тиббиёт ходимларидан хабар олиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш каби эзгулик ишларини амалга ошираётган Ўзбекистон Врачлар ассоциациясига ўз мамнунликларини билдиришди.

Ибодат СОАТОВА

Конференцияни Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси, Ўзбекистон врачлар ассоциация-

сининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Мустафо Сатторов очди. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси, тиббиёт фанлари номзоди шифокор офтальмолог,

спазмлар: ташҳислашдан самарали даволашгача”, профессор, шифокор эндокринолог Феруза Хайдарова “Семизликни ташҳислаш ва даволашдаги замонавий

■ Ректор ва ёшлар учрашуви

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ИЛҲОМ МАНБАСИ

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳамда Каттақўрғон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг ҳамкорлик доирасида “Ректор ва ёшлар” мавзусида учрашув ўтказилди. Унда Самарқанд давлат тиббиёт университетида илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори тиббиёт фанлари доктори, профессор Азиз Убаев ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети Академик лицей ва жамоат саломатлиги техникумлари билан ишлаш бўйича масъул ходими Баҳодир Эшбековлар иштирок этишди.



боратория, симуляцион ўқув хоналар, АРМ тўғрисида батафсил маълумот берди. Шундан сўнг Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори тиббиёт фанлари доктори, профессор Азиз Кубайев учрашув давомида иштирокчиларга юртимизда олий ва ўрта махсус тиббий таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган янгиликлар ҳамда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ўқувчилар эгаллаётган касби бўйича билим, малка ва кўникмаларини тренажор ва манекенларда бажариб таълим жараёнида шаклланаётган компетенцияларини намоён этиш-

ди. Бу меҳмонлар томонидан яхши баҳоланди. Шундан сўнг техникумининг фаоллар залида ўқувчилар ҳамда педогог ходимлар билан очик мулоқот илиқ ва самимий руҳда ўтди. Ўқувчилар университетда таҳсил олиш тартиби, кириш имтиҳонлари, грант асосидаги қабул кўрсаткичлари ва бошқа қизиқарли йўналишлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар ва саволларига проректор томонидан аниқ жавоблар берилди. Шунингдек, инглиз тилига талаб қўйганлигини таъкидлаб ўтди. Самарқанд давлат тиббиёт университети халқаро сертификатни қўлга киритганлиги бу халқаро стандартлар доирасида кадрлар тайёрлаш ва келгусида барча мамалкатларга

ишга тўсиқсиз ишлаш мумкинлиги, ривожланган мамлакатлар Ўзбекистонни тиббий кадр тайёрлаш таълим тизимини тан олинаётганлиги албатти, қувонарли ҳолдир.

Тадбир якунида Азиз Кубайев ёшларни илмга интилиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва Ватанга садоқат руҳида етишиш сари чорлади. Бундай мулоқотлар ёшларда тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишни янада ошириб, уларни келажакдаги касбий фаолиятига пухта тайёрлайди.

Ж. ЮСУПОВ,

Каттақўрғон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари.



Ташириф давомида техникумда тиббиёт университети билан ҳамкорлик доирасида қилинган ишлар кўргазмаси юзасида тақдимот ўтказилди. Тадбирни техникум директори Ҳ. Шукуров очиб, техникум-

нинг келгуси 2026 йилда 60 йиллик тарихига эга бўлиши, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашда қўйилган замонавий талаблар, халқаро андозаларга мос ва илимли кадрлар тайёрлаш мақсадида яратилган шароитлар, ўқув хоналари, ла-

5 май – Халқаро доялар куни

Аёл – бу ҳаёт манбаи. У меҳр-муҳаббатнинг, сабр-тоқатнинг, фидойилик ва матонатнинг тимсоли. Аммо бу ҳаётга қайта-қайта ҳаёт бахш этадиган, инсоният наслини давом эттирувчи, энг қадрли неъмат — оналик туйғусига эга бўлишида кўмак берувчи касб эгалари бор. Улар – доялар. Бу касб эгаларининг қўллари ҳар куни юзлаб аёллар ҳаётига нур олиб киради, уларни ҳаёт йўлига қайтаради, янги бир ҳаёт – гўдак ҳаётининг дунёга келишида воситачилик қилади. Шунинг учун бу мақоламиз “Аёлга ҳаёт бахш этган қўллар” деб номланди.



ФИДОЙИЛИК БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН КАСБ

Доялик касби энг масъулиятли, мураккаб ва айни пайтда энг гўзал касблардан биридир. Бу мутахассислар нафақат аёл саломат-

лигини назорат қилади, балки бутун жамият саломатлигининг асоси бўлган соғлом авлод дунёга келишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Ҳар бир туғруқ — бу мўъжиза, ҳар бир янги ҳаёт — бу кувонч. Аммо бу мўъжизанинг ортида тиббиёт ходимларининг катта билим, кучли тайёргарлик ва бағрикенг меҳнати ётади. Туғруқ зали — ҳаёт ва ўлим орасидаги нозик чегара. Бу ерда ҳар бир сония муҳим, ҳар бир қарор аёл ва боланинг тақдирини ҳал этади. Шундай ҳолатларда дояларнинг тажрибаси, қўл бармоқлари нозиклиги, қалби поклиги ва виждони унинг энг катта қуролидир.

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ – ЖАМИЯТ САЛОМАТЛИГИ

Аёлнинг соғлом бўлиши – жамиятнинг соғлом бўлишидир. Соғлом она — соғлом авлод тарбиясининг асосчиси. Шу боис, аёллар саломатлиги билан шуғулланувчи бирламчи тизим патронаж дояларига катта масъулият юкланади. Улар фақатгина касалликларни даволаш эмас, балки уларни олдини олиш,

эрта ташхис қўйиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби вазифаларни ҳам адо этадилар. Профилактик текширувлар, скрининг дастурлари, хомиладорлик давридаги мониторинглар, ультратовуш текширувлари — буларнинг барчаси аёллар саломатлиги учун хизмат қилади. Айниқса, хомиладор аёл билан ишлаш, унинг руҳий ҳолатини тушуниш, зарур маслаҳатлар бериш, уни туғруққа тайёрлаш- буларнинг бари аёлга нафақат жисмоний, балки руҳий таянч бўлишдир.

ҲАЁТ УЧУН КУРАШДА АЁЛ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Акушер гинекологлар аёл билан бирга оғрикни ҳам, қувончни ҳам бошдан кечирадилар. Ҳар бир соғайган бемор - бу уларнинг ютуғи. Ҳар бир соғлом гўдак - уларнинг меҳнат маҳсули. Айниқса, оғир туғруқлар, асоратли хомиладорликлар, эрта туғилиш хавфи бўлган ҳолатларда уларнинг ҳаракат, билим ва тажрибалари аёл ҳаётини сақлаб қолади. Оқ халатли фаришталар тун-у кун ишлайди, уйқусиз тунларни бедор ўтказди, ўз оиласини эмас, бошқаларнинг оиласи бахтли бўлиши учун меҳнат қилади. Бу шунчаки иш эмас - бу фидойилик, бу садоқат, бу ҳаётга бўлган

муҳаббатдир.

АЁЛГА ҲАЁТ БАХШ ЭТГАН ҚЎЛЛАР - БУ МЕҲР ВА УМИД ҚЎЛЛАРИ

Бу қўллар - аёлни яна ҳаётга қайтарган қўллар. Бу қўллар - ҳомила юрак уришини илк бор эшиттирган қўллар. Бу қўллар - янги ҳаётни дунёга олиб келган қўллар. Ҳар бир ҳаракати билан ҳаётга хизмат қилаётган бу инсонларни қадрлаш, уларнинг меҳнатини тан олиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бугун жамиятда тиббиёт ходимларига, айниқса, патронаж дояларга бўлган эътибор ошмоқда. Уларнинг касбий малакасини ошириш, иш шароитларини яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш - бу соҳа тараққиётининг муҳим омилларидан биридир.

ХУЛОСА ЎРНИДА

“Ҳаёт – бу мўъжиза” деймиз. Аммо бу мўъжизани юзага чиқарадиганлар бор. Улар - шифокорлар, улар – акушер-гинекологлар. Аёл ҳаётини сақлаб қолган, унга она бўлиш бахтини берган ҳар бир шифокорнинг қўли - бу ҳаёт бахш этган қўлдир.

Нилуфар РАХМОНОВА
Бухоро вилояти Лидер дояси.

Дил изҳори

Меҳнатининг таҳсинига лойиқ

Тананг дард чекса, саломатлигингда ўзгариш бўлса, кўз ўнгида дарҳол тиббиёт ходимларининг меҳнати намойн бўлади. Бир сўз билан айтганда мамлакатимиз тиббиёт тизимида халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча хизмат қилаётган соҳа ходимлари меҳнати қанчалар эътироф этсак озлик қилади.

Кейинги йилларда Давлатимиз раҳбари томонидан инсонлар саломатлигига бўлган эътибор юқори эканлигини кўрамиз. Бунинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, даво муолажалари олиш учун мурожаат этган шифо масканларининг замонавий аппаратуралар билан таъминланганлиги, тажрибали тиббиёт ходимларининг беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганлиги ҳамда яратилган

шароитлар кўзни қувонтиради. Ана шундай тиббиёт муассасаларидан бири Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ўз касбининг моҳир устаси бўлган шифокору ҳамширалар меҳнатидан ҳудуд аҳолиси мамнун бўлмоқда. Айниқса, мазкур бирлашма бошлиғи Аҳмаджон Бабажановнинг раҳбарлик қобилияти, ташаббускорлиги ва ишчанлик руҳияти туфайли жамоада соғлом муҳит

барқарор. Шу ўринда биз саломатлигимизни тиклаб оиламиз бағрига қайтган, бир гуруҳ беморлар номидан, аввало, бош шифокор Аҳмаджон Бабажанов, ўринбосари Дилафруз Маҳмудова, физиотерапия бўлими мудири Нигина Давронова, реанимация-анестезиология бўлими врач Адиба Ўринова, қабул бўлими бошлиғи Музаффар Хўжабеков, 2-терапия бўлими мудири Мунира Раҳимова, бўлим шифокорлари Шоҳида Гулямова, Фариза Меҳрожовнани, аллергия бўлими катта ҳамшираси Нигора Мирбобоева, ҳамширалар Меҳрангиз Ўринова, Вазира Ҳасанова, Манежа, Гулдасталарга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



Шу ўринда яқинлашиб келаётган 9-Май Хотира ва қадрлаш куни билан аҳил жамоа ходимларини ҳамда 12-Май Халқаро ҳамширалар байрами билан шифо масканининг бир-биридан чаккон ва меҳрибон ҳамшираларини қутлаймиз.

Рустам РОЗИҚОВ,
2-гуруҳ ногирони Чернобыль қатнашчиси,
Фаррух МАРУПОВ
ва бошқалар.
Самарқанд шаҳри.

■ Юқумли касалликдан эҳтиёт бўлинг

Безгак жуда майда содда организмлар – плазмодийлар томонидан келтириб чиқарилувчи дунёда кенг тарқалган юқумли касалликдир. Хар йили минглаб кишилар, тропик ва субтропик мамлакатларда яшовчи маҳаллий аҳоли ҳамда у ерга бориб келганлар касаллик билан зарарланади.

Республика ҳудудида олиб борилган кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида касалликнинг маҳаллий тарқалиши бар-тараф этилди. Охирги йилларда безгакнинг маҳаллий юқиш ҳолатлари қайд этилмаганлиги, фақатгина ташқаридан олиб кирилган безгак касаллиги ҳолатлари рўйхатга олинганлиги муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда безгак касаллигининг элиминациясига сертификация олди. Элиминация бу – касалликнинг маълум географик ҳудудда маҳаллий юқиш ҳолатларини йўқотилишига эришиш демакдир.

Безгак бўйича нохуш бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши, шунингдек, қўшни давлатлар билан аҳолининг фаол миграцияси касалликни четдан кириб келиши ва тарқалиш хавфини оширади.

Касаллик бемордан соғлом одамга 3 та йўл билан: анофелес туридаги безгак чивинларини чақиши орқали, сифатсиз зарарсизлантирилган инъекция анжомлари ва бемор қонини қуйиш орқали, туғруқ пайтида бемор онадан болага юқади.

Безгак ташувчи чивинларнинг оммавий кўпайиши учун куёш нури яхши қиздирадиган, тургун ёки секин оқади-ган, сув ўтлари билан қопланган очик сув ҳавзалари, каналлар, ботқоқликлар, эски дарё ўзанлари, қўлмақлар, шолিপоялар, ҳаттоки сув сақланадиган иди-

учиб чиқади. Чивинлар бино ва иншоотларда ҳамда табиат қўйнида одам ва ҳайвонларга ҳужум қилади.

Безгакнинг асосан 4 хил тури фаркланади: уч кунлик, тўрт кунлик, тропик ҳамда овале-безгак. Ҳозирги кунда Шимолий Шарқий Осиё давлат-

3 йилгача чўзилиши мумкин. Беморлар тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриғи, бутун тана, бўғимлар ва кўз сокқасида кучли оғриқлар, холсизлик, кўнгил айланишига шикоят қилади.

Кўпинча бирламчи симптомлар оддий шамоллашга ўхшаб кетади.

Безгакни бошқа касалликлардан фарқлаб турувчи муҳим жиҳати – бу маълум бир давр оралаб қайтариловчи иситма хуружлари, жигар ва талокнинг катталашиши, камқонликдир. Безгак иситма хуружлари 3 фаза: титроқ, иситмалаш ва терлаш фазаларидан иборат бўлади.

Тропик безгак энг хавфли шакл ҳисобланиб, ўз вақтида даволаш бошланмаса касаллик ўлим билан тугаши мумкин.

Безгакка ташхис қўйишда ўзига хос симптомлар, беморнинг безгак бўйича нохуш ҳудудларда бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Аммо, аниқ ташхис фақатгина қонда паразитлар топилаганида қўйилади.

Беморларни даволаш шифохона шaroитида, безгакка қарши дори препаратлари билан олиб борилади.

Чивинлардан ҳимояланиш учун уларни чўчитувчи моддалар – репеллентлардан фойдаланиш мумкин. Чивинлар асосан окшом ва кечаси ҳужум қилади. Шу вақтда тана аъзоларини ёпиб турувчи кийимлар кийиш, очик жойларни крем, гель, эмульсия ва аэрозоль кўри-нишидаги репеллентлар билан ишлов бериш тавсия этилади. Чивинларни хоналарга киришига йўл қўймаслик мақсадида деразаларга тўр парда тутиш, пашшахоналардан фойдаланиш зарур.

Шамура ХАЛИЛОВА,
Санитария эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги қўмитаси Тошкент
шаҳар бошқармаси бўлими мудир.

БЕЗГАК

ХАВФЛИ КАСАЛЛИК



шлар жуда қулайдир. Чивинлар 3 км. масофагача учиб қобилиятига эга.

Чивинлар сувга тухум қўяди, улардан личинкалар пайдо бўлади. Личинкалар гўмбака айланиб, улардан чивинлар

ларида Plasmodium knowlesi, маймунларда безгак касаллиги келтирадиган тури учрамоқда. Касаллик юққандан 8–30 кун ўтиб юзага чиқади, бироқ уч кунлик безгакда бу муддат 6–14 ойдан

ҚРИМ-КОНГО ГЕМОМРАГИК ИСИТМАСИ – ХАВФЛИ КАСАЛЛИКДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?

ҚРИМ-КОНГО ГЕМОМРАГИК ИСИТМАСИ (ҚКГИ) — ЮҚОРИ ЎЛИМ КЎРСАТКИЧИГА ЭГА БЎЛГАН, ҲАЙВОНЛАРДАН ОДАМЛАРГА ЮҚАДИГАН ХАВФЛИ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ ХИСОБЛАНАДИ.

Бу касаллик тўғрисида кўпчилик етарлича маълумотга эга эмас. Айнан шу боис, саволларимизга жавоб олиш мақсадида биз Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси Чилонзор тумани бўлими врач-эпидемиолог Асилхон Қиёмов билан суҳбатлашдик.

– Кўпчиликни қизиқтирган саволга тўхталиб ўтсангиз, Қрим-Конго геморагик

иситмаси нима ва у қандай юқади?

– Қрим-Конго геморагик иситмаси — бу арбовируслар тоифасига мансуб юқори хавфли инфекция бўлиб, асосан иксод (каналар) чақиши ёки касаллик юқтирган ҳайвонлар билан бевосита алоқада бўлиш орқали юқади. Вирус ёввойи ва уй ҳайвонларининг қонида бўлиши мумкин, лекин улар ўзлари касалликни сезмайди. Одам эса айнан ушбу ҳайвонларни соғиб, гўшттини тайёрлаб ёки парваришлаб юриб вирусни юқтириб олиши мумкин.

– Касаллик қандай белгилари билан бошланади?

– Инкубацион давр 1 кундан 13 кунгача давом этади. Дастлаб бош оғриғи, юқори ҳарорат, кўнгил айланиши, холсизлик, мушак оғриғи, орқа ва бел соҳасида оғриқлар кузатилади.

Касаллик ривожланган сари геморагик — яъни қон кетиш билан боғлиқ белгилар: бурундан, милқдан қон кетиши, ички аъзолардан қонаш ҳолатлари, терида қўқаришлар пайдо бўлиши мумкин.

– Айтингчи, касаллик айниса, қайси гуруҳдагилар учун хавфлироқ?

– Аввало, ветеринария, чорвачилик, ҳайвон сўйиш билан шуғулланувчилар, қишлоқ аҳолиси, шифокорлар ва лаборатория ходимлари хавф гуруҳига киради. Чунки улар беморлар ёки вирус ташувчи ҳайвонлар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлишади. Шунингдек, иммунитети суст кишилар учун ҳам бу касаллик оғир кечиши мумкин.

– Қрим-Конго геморагик иситмаси касаллигининг давоси борми?

– Афсуски, бу касаллик учун айнан махсус даво йўқ. Даволаш симптоматик бўлиб, яъни касаллик аломатларини енгиллаштиришга йўналтирилган: суюқликлар қуйилади, қон кетишни тўхтатиш чораси кўрилади. Вақтида ташхис қўйилиб, тўғри парвариш қилинса, соғайиб кетиш мумкин. Кечиккан ҳолатларда эса ўлим хавфи юқори бўлади - баъзи ҳолатларда бу кўрсаткич 30-40 фоизгача етади.

– Демак, асосий урғу-профилактикага берилиши керак, шундайми?

– Айнан шундай! Энг муҳим чора — каналарни йўқ қилиш, чорва ҳайвонларига мунтазам ишлов бериш, танани ёпадиган кийимда юриш, терида кана чиқмаслиги учун воситалар ишлатиш зарур. Шунингдек, гўшт маҳсулотларини пухта пишириб истеъмол қилиш, бе-

морлар билан алоқа бўлса, ҳимоя воситаларини тақиш шарт. Ҳарорат, холсизлик, қонаш каби белгилар пайдо бўлса — дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

– Суҳбатимиз якунида аҳолига нималарни тавсия қилган бўлардингиз?

– Аввало, хушёрликни ошириш керак. Қрим-Конго иситмаси — шунчаки “шамоллаш” эмас, балки инсон ҳаётига хавф солувчи инфекция. Чорва билан ишлаганда тозалikka риоя қилиш, каналардан ҳимояланиш, иссиқда табиат қўйнига чиққанда очик кийимда юрмаслик лозим. Энг асосийси — ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш. Бу ўзимизни ҳам, яқинларимизни ҳам асрашнинг энг муҳим йўлидир.

Зиёда РАСУЛОВА
суҳбатлашди.

■ “Соғломлаштириш ойлиги”

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДА “СОВЛОМЛАШТИРИШ
ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА 26 АПРЕЛЬ КУНИ САЛОМАТЛИККА
БАВИШЛАНГАН АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 18 апрелдаги 102-сонли буй-ругига асосан, жорий йилнинг 25 апрелидан 25 майгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Соғломлаштириш ойлиги” ўтказилиши белги-ланган. Мазкур тадбир жамиятда соғлом тур-муш тарзини шакллантириш, касалликларнинг эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, аҳоли тиббий маданиятини оширишга қаратилган.

болалар гигиенаси;
гипертония касаллиги ва
унинг олдини олиш;
қандли диабет профилакти-
каси;
диабетда тўғри овқатла-
ниш тартиби.
Шунингдек, КТМП худуди-
да соғлом овқатланишни амал-
да намоён этиш мақсадида,
ташриф буюрган фуқароларга

Шу муноса-
бат билан
2025 йил
26 апрель
куни Каттақўрғон шаҳрида
“Соғломлаштириш ойлиги”-
нинг илк амалий тадбирлари
юқори савияда ташкил этилди.
“5000 минг қадам” акцияси
ташкил қилиниб, унда турли
ёшдаги ва касбдаги 70 нафар-
дан зиёд фуқаро фаол ишти-
рок этди. Бу тадбир аҳолини



анъанавий чой ўрнига наъма-
так, ромашка, ялпиз ва кури-
тилган ўрикдан тайёрланган
дамламалар таклиф этилди.
Бу фиточойлар турли хаста-
ликларга қарши профилактик
таъсирга эга бўлиб, организм
учун муҳим бўлган витамин
ва микроэлементларга бойлиги
билан аҳамиятлидир.

Тадбир доирасида иштирок-
чиларга соғлом турмуш тарзи-
ни доимий қўллаб-қувватлаш
мақсадида соғлом ҳаётга оид
махсус телеграм каналга обуна
бўлиш тавсия этилди. Бу орқали
фуқаролар соғлиқка оид до-
имий маълумотлар, тавсиялар
ва фойдали контентдан хабар-
дор бўлиб боради.

Ушбу тадбирлар Соғлиқ-
ни сақлаш вазирлигининг
йўриқномаларига мувофиқ
амалга оширилиб, аҳоли ора-
сида саломатликни сақлаш
ва мустаҳкамлаш, касаллик-
ларнинг олдини олиш ва
жисмоний фаолликни раъ-
батлантириш бўйича самара-
ли қадамлардан бири бўлди.

Каттақўрғон шаҳар
тиббий бирлашмаси
матбуот хизмати.

жисмоний фаолликка жалб
қилиш ва ҳаракат орқали сало-
матликни мустаҳкамлашга қа-
ратилган бўлиб, иштирокчилар
ўртасида жонли муҳит яратди.

Аҳолини саломатлигини
мустаҳкамлаш мақсадида тў-
лиқ тиббий кўриклар ташкил
этилди. Каттақўрғон шаҳар
Кўп тармоқли марказий поли-
клиникаси (КТМП)да аҳолини
қабул қилиш билан бирга, ви-
лоят тиббиёт муассасаларидан
таклиф этилган малакали му-
тахассислар иштирокида 4 та
маҳаллада хонадонбай тиббий

маслаҳатлар ва текширувлар
ҳам ўтказилди. Бу эса аҳолига
яқинлашиш, биринчи бўғин
тиббий хизмат сифатини оши-
ришга хизмат қилди.

Келган фуқаролар ҳамда
хонадонлардаги тиббий кўрик-
да иштирок этган шахсларга
соғлом турмуш тарзини шакл-
лантиришга қаратилган 9 тур-
даги тарғибот материаллари
(буклетлар) тарқатилди.

Улар қуйидаги мавзуларни
камраб олди:
соғлом турмуш тарзи асо-
слари;

■ Новости медицины

УЧЕНЫЕ НАУЧИЛИСЬ ПРОГНОЗИРОВАТЬ ОСТАНОВКУ СЕРДЦА ПОСЛЕ ИНФАРКТА

Коллектив пензенских ученых разработал систему выявления риска опасного для жизни осложнения инфаркта миокарда – желудочковой тахикардии. Об этом сообщает пресс-служба ПГУ. Разработка может найти широкое применение в медицине во время наблюдения пациентов, только что перенесших сердечный приступ.



Ученые провели исследование на 80 добровольцах, недавно перенесших инфаркт, в возрасте от 30 до 70 лет. С помощью комплексного обследования, включавшего анализ крови, МРТ и УЗИ сердца, а также ЭКГ-мониторирование на протяжении трех суток, они смогли определить из них десятерых, вошедших в группу риска.

У этих людей обнаружили аритмию, когда внезапно сердце начинало сокращаться слишком быстро и неэффективно.

Далее ученые проанализировали ряд показателей у обеих групп пациентов и выявили закономерности, свойственные людям с риском желудочковой тахикардии. Выяснилось, что у пациентов, склонных к остановке сердца имеется схожий набор маркеров, которые могут алицировать об опасности.

На основе собранных данных авторы разработа-ли систему оценки риска развития желудочковой тахикардии, которая вклю-чает в себя определенные показатели крови, размер постинфарктного рубца, сократимость сердца и па-раметры ЭКГ.

Наше открытие могут использовать в своей рабо-те врачи-кардиологи ста-ционаров для определения риска развития этой жиз-неопасной аритмии у боль-ных инфарктом миокарда.

Аналогов такой ком-плексной модели риска, учитывающей параметры МРТ сердца, эхокардиогра-фии, лабораторных данных и параметров холтеровско-го мониторингирования ЭКГ нет, – прокомментирова-ла – доцент кафедры “Те-рапия” ПГУ Елена Аве-рьянова.

Светлана
ФИЛИППОВА.

-Дил изҳори



Инсонга саломатликдан ортик бебаҳо бойлик бўлмаса керак. Соғлигимдаги жиддий ўзгаришлар туфайли республикадаги жуда кўп шифохоналарда узок вақт даволанишимга тўғри келди.

Аммо тизза бўғимларидagi оғрик мени кўп безовта қила бошлагач, январь ойида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси Ревматология ва артрология бўлими шифокори Зебохон Доноқулова қабулида бўлиб, амбулатор шароитда даво муолажаларини олдим. Бу ердаги шароит ва тиббиёт ходимларининг юқори тажриба ва муомала-маданияти дардимни анча енгиллаштирди.

Лекин орадан уч ой ўтиб, шифокорлар тавсияси асосида йўлланма билан иккинчи маротаба ҳам ушбу клиникага даволаниш учун келдим. Мени Терапия-маслаҳат поликлиника бўлими мудири Алижон Шукуров ширинмуомала билан самимий кутиб олди. Алижон саломатлигим-



ДАРДГА МАЛҲАМ ШИФОКОРЛАРСИЗ!

ни синчковлик билан текшириб, ҳар бир шикоятим бўйича аниқ ташхис қўйишга ва бу орқали мунтазам шифокор назоратида бўлиб юришимни эринмасдан тушунтирди. Ёш ва тажрибали шифокор Алижон Шукуровни ўз касбининг ҳақиқий билимдони, том маънода оғир дардга чалинган беморларнинг “ҳақиқий халоскоридир”, десак янглишмаган бўламан. У менга қўйилган ташхис асосида “Ички касалликлар реабилитацияси” бўлимига тавсия берди. Эътиборимни тортган жиҳати, бўлимдаги тозалик ва озодалик, саранжом-саришталик, айниқса беморлар учун тай-

ёрланган мазали таомлардан тортиб, ҳар бир ташриф буюрувчига кўрсатилаётган илиқ муносабат мени кўнглимни тоғдек кўтарди. Бўлим мудири Ширинжон Ҳасанова раҳбарлигидаги барча тиббиёт ходимлари, катта ҳамшира Насиба Муҳамедова ва бошқа муолажа олиб борган ҳамширалардан тортиб, тозалик фаришталарининг бўлган ҳурмат ва эътибори мени тезда тузалиб, оёққа туриб кетишимга катта ёрдам берди. Айниқса, даволовчи врачим Акмалжон Масодиков ҳали ёш бўлишига қарамадан ҳар бир текширув натижаларимни мунтазам

назорат қилиб бор билим ва маҳоратини ишга солди. Ўтган ўн кун ичида қийнаётган барча дардларимдан фориғ бўлдим. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қила бошлаяпман. Оёқ соҳамдаги оғриклардан фориғ бўлиб оилам бағрига қайтдим.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, тажрибали шифокорлар Алижон Шукуров, Зебохон Доноқулова, Ширинжон Ҳасанова, Акмалжон Масодиков ва барча бир-биридан чакқон ҳамширалар, тозалик учун масъул гўзал бўлим бекаларига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Азиз шифокорлар, қўлингиз асло дард кўрмасин. Халқ дуосини олишдек олий бахт сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ҳурмат билан,
Ҳикоят ТОЛИПОВА.
Навоий вилояти.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ – профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Фарҳод ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.
Дамин АСАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Фарҳод РАҲИМҚУЛОВ – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири котибияти.
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби.
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Стратегик режалаштириш, статистика ва самарадорлиқни баҳолаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Улғубек СОБИРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Солижон МЎМИНОВ – тиббиёт фанлари номзоди.
Хуршид ФОЗИЛОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Наргиза ПАРПИЕВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Илмира РАЗИКОВА – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Рихси САЛИХАДЖАЕВА – тиббиёт фанлари доктори.
Валихон ҲАКИМОВ – тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Назарбек санаторийси директори.
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар академияси ректори.

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060,
Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси,
30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт –матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми 2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.
Адади – 610 дона. Буюртма рақами Г–610.
Босмахонага топширилиш вақти: 21–00.
Топширилди 20–00. 3 4 5 6 7

В ТАЙВАНЕ ВПЕРВЫЕ В МИРЕ УСПЕШНО ПЕРЕСАДИЛИ СЕРДЦЕ, КОТОРОЕ НЕ ОСТАНАВЛИВАЛОСЬ НИ НА СЕКУНДУ

Для этого хирурги разработали специальную систему

ХИРУРГИ НАЦИОНАЛЬНОЙ
УНИВЕРСИТЕТСКОЙ
БОЛЬНИЦЫ ТАЙВАНЯ (NTUN)
ВПЕРВЫЕ В ИСТОРИИ
УСПЕШНО ВЫПОЛНИЛИ
ТРАНСПЛАНТАЦИЮ СЕРДЦА,
ПРИ КОТОРОЙ ДОНОРСКИЙ
ОРГАН НИКОГДА НЕ
ПРЕКРАЩАЛ БИТЬСЯ. ОБ
ЭТОМ ПИШЕТ FOX NEWS.

«Благодаря тому, что сердце непрерывно перекачивает насыщенную кислородом кровь на протяжении всего процесса, NTUN установил новый стандарт в кардиохирургии, который обещает лучшие результаты для пациентов во всем мире», – отметили в материале.

В издании напомнили, что традиционная трансплантация сердца полагается на метод хранения в холоде, что приостанавливает приток крови к органу, поэтому даже несколько часов без кислорода могут повредить сердечную мышцу, из-за чего есть риски отторжения и могут быть осложнения после операции. В то же время хирурги NTUN разработали специальную систему ухода за органами, которая работает как портативный аппарат жизнеобеспечения, доставляя насыщенную кислородом кровь к сердцу от донора к реципиенту, то есть не имея пауз и холодного хранения. Отмечается,



что система ухода за органами NTUN поддерживает работу сердца вне тела с помощью насосов, оксигенаторов и резервуаров.

"Во время первой операции команда транспортировала донорское сердце между операционными, пока оно еще было, подключенное к этому устройству.

Реципиент, 49-летняя женщина с дилатационной кардиомиопатией, выздоровела плавно и показала чрезвычайно низкий уровень сердечных ферментов, что является ключевым показателем здоровья сердечной мышцы", – добавили в Fox News.

Несмотря на то, что Стэнфордский университет в 2023 году стал новатором такой трансплантации, его метод все равно предусматривал короткие ишемические периоды (10-30 минут) во время пересадки органов. Однако во время метода тайваньских хирургов сердце не останавливалось ни на секунду.

"Сердца всё ещё бились до забора, продолжали биться после забора и никогда не останавливались", – заметил руководитель команды NTUN по трансплантации органов Чен Их-Шурнг.

Карина БОВСУНОВСКАЯ,
health.unian.net.